



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

201
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 14-avgust, chorshanba * № 24 (1137)

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАШАББУС

Спорт элли дунёга тез танитадиган жиҳатлардан бири эканини ҳаммамиз яхши билемиз. Собиқ шўролар вақтида битта жаҳон чемпиони бўлмаган миллиатимиздан бугун ўнлаб гроссмейстерлар чиқмоқда. Ёш мусикачиларимиз халқаро танловларда бош мукофотларни қўлга киритиб келмоқда.



⇒ 3-бет

ТАРБИЯ – ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Ҳамма — эркак аёл, катта-ю кичик қалб ризоси билан ўзини ана шу маънавий тарбияга сафарбар этиши лозим. Маънавий тарбияни БУГУН (!) чиройли йўлга қўя олмасак, эртага эса кеч бўлади. Аввало, бобо-ю бувилар ўғити, ота-оналарнинг ҳушёрлиги, тоға-холодан тортиб барча қариндошу қўни-қўшни ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим.



⇒ 5-бет

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИНИНГ ДОВРУФИ ТИКЛАНАДИМИ?

Бундан атиги 50-60 йиллар муқаддам ҳам Хоразм воҳасида қовунларнинг 100 дан зиёд тилими тилини ёрар ширин-шаккар навлари бўлган... Масалан, Гурвакининг истеъмол муддати атиги 15 кун. Палакдан узилган ва салқин жойда сақланган гурвакини шу муддат ичида есангиз роҳат-ланиб мазза қиласиз. Орадан ҳафта тугул уч кун ўтса ҳам унинг шираси айний бошлайди.



⇒ 6-бет

7 кун

• ЯНГИЛИКЛАР
• ХАБАРЛАР
• ВОҚЕАЛАР

Икки давлат ҳукумат раҳбарлари учрашуви

Туркманбашида бўлиб ўтган биринчи Каспий иқтисодий форуми доирасида жорий йилнинг 12 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Абдулла Арипов Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев билан учрашди.



Унда икки давлат Президентларининг мунтазамлик касб этган учрашуви ва мулоқотларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик, кўп қиррали амалий ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, ахборот коммуникациялари технологиялари, энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қўқон — махсус рўйхатда



Жаҳон ҳунармандлар шаҳарлари рўйхати 2014 йилдан бери мавжуд. Унга айни вақтда дунёнинг 30 шаҳри киритилган. Республикаимиз “Хунарманд” уюшмаси 2019 йил мартдан Жаҳон ҳунармандчилик кенгашига аъзоликка қабул қилинди.

Жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқонда Халқаро ҳунармандчилик фестивали бўлиб ўтади. Ушбу тадбир арафасида Қўқон Жаҳон ҳунармандлар шаҳарлари рўйхатига (World Craft City) киритилди.

Жаҳон ҳунармандчилик кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси (WCC-APR) бўйича президенти Гада Хижаби-Каддуми шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ўз маданий меросини сақлаши ва янада кўпайтиришида улкан зафарлар тилаган.

Бухорода янги автобуслар

Транспорт вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, Бухородаги “Alitaxi Trans” МЧЖ корхонаси 4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобига Хитойдан 65 та замонавий “Asiastar Yaxing Wertstar” автобусларини олиб келмоқда.



Шулاردан 60 таси ўрта сизимли бўлиб, шаҳар ички йўналиши қатновларига қўйилиши режалаштирилган. Қолган 5 таси эса катта сизимли бўлиб, туризм соҳасида транспорт хизматларини кўрсатишга жалб этилади.

Юқори даражадаги қулайликларга эга бўлган замонавий автобуслар жорий йилнинг 24 август кунидан бошлаб аҳоли хизматида бўлади.

Тадбиркорлар учун сайёр учрашувлар



Сурхондарё вилоятида сайёр учрашувлар давом этмоқда. Унда 96 нафар тадбиркор иштирок этиб, 27 мурожаат ўрганилди. Шундан 11 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг лойиҳалари жойида ҳал этилди. Қолган 16 та мурожаат юзасидан тезкор топшириқлар берилди.

Мурожаати кўриб чиқилганлардан бири Термиз шаҳрида фаолият юритувчи “Оташ сифат” МЧЖ. Корхона 50 ўринлик меҳмонхона қуриш ишларини якунлаётгани, бироқ ишга тушириш учун жиҳозлар сотиб олишга 300 млн. сўм маблағ зарурлигини билдирган. Жамиятнинг бизнес режаси ва тақдим этган ҳисоб-китоблари ўрганиб чиқилди ва маблағ ажратиш масаласи ҳал этилди. Лойиҳа ташаббускори меҳмонхона 15 август кунини фойдаланишга топширишни мўлжалламоқда.

Ўз мухбирларимиз.

Юзма-юз

Сўнгги пайтларда юртимизда жамоат ташкилотларининг сони, фаоллиги ортиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Хусусан, жорий йил 17 январь кунини давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан нодавлат нотижорат жамоатчилик ташкилоти яна биттага кўпайди — “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг ишлаш доираси кенг, фаолияти жуда муҳим. Ҳоҳ жамоатчилик, ҳоҳ қонунчилик ташкилоти бўлсин, юртимизда кечаётган ислохотларни кенг оммага етказиш, тушунтириш, экспертлик муҳокама-ларида қатнашиш, шу орқали одамларга ёрдам бериш бош мақсаддир. Қўйида мазкур ташкилот раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Бурҳонов билан мухбиримизнинг суҳбати эълон қилинмоқда.

Акмал БУРҲОНОВ:

Овозимизнинг янада баланд чиқиши учун жамоатчилик фикри ва ишончи муҳим

— Акмал ака, Сизни “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаол раҳбари сифатида билардик. Эндиликда янги ташкил этилган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати етакчисисиз. Ҳаракатнинг бугуни ва эртаси, асосий фаолият режалари ҳақида тўхталсангиз...

— Хабарингиз бор, ушбу умуммиллий ҳаракат Юртбоши-

мизнинг 2019 йил 17 январдаги фармони асосан ташкил этилди. Фармонда белгилаб берилганидек, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, давлатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, эълон қилинаётган қонун ва қарорларга, энг асосийси, тараққиёт стратегияси бўйича амалга оширилаётган ислохотлар йўлида халқнинг барча қатламлари биллаштиришдан иборат. Ҳаракатнинг аудиторияси чекланма-

ган, яъни ким қайси соҳада ва қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар ташкилотимиз билан боғланиб, қонунлар бўйича ўз таклифларини киритиши мумкин. Шунингдек, хориждаги ҳамюртларимиз ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини, муаммоларини бемалол айтиш имконига эга.

— Демак, “Юксалиш”нинг энг устувор вазифаси бу... тарғибот-ташвиқот ишлари экан-да?

— Энг асосий мақсадимиз — ислохотлардан барчани бирдек хабардор қилиш. Чеккароқ ҳудудлардаги аҳолига етказиш, қизиқиш уйғотиш ва уларни ҳаракатга келтириш. Шу билан бирга, уларнинг таклифини, муаммоларини эшитадиган ва муҳокама қиладиган майдонни яратиб бериш. Шу орқали одамларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлаш. Маълумот учун қуйидагиларга эътибор

қилинг. Давлат дастурлари лойиҳалари қабул қилинаётганда фуқаролардан 2017 йилда 1300, 2018 йилда 4000га яқин, жорий йилда эса 4200дан ортиқ таклиф келиб тушган. Бу рақамлар бутун Ўзбекистон аҳолиси сонидан анчагина паст ва таклифларнинг аксари ижтимоий тармоқлар орқали келган. Мақсадимиз қишлоқ ва маҳалла аҳолисига давлат дастури лойиҳаларини етказиб, уларнинг таклифини маҳаллий, халқ депутатлари кенгашлари ёрдамида республика даражасида ҳал қилиб беришдан иборат. Яъни, устувор йўналишларимиз билан фуқароларимизда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш бизнинг асосий вазифамизга кириди.

2

Тиббиёт

Навоийда илк бор мураккаб жарроҳлик амалиёти амалга оширилди

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан воҳада биринчи бор юрагида туғма нуқсон бўлган болалар ва ёшларда бепул мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Марказда икки кун давомида тўрт нафар бемор АИК — сунъий қон айлантириш жиҳози ёрдамида операция қилинди. Ушбу жиҳоз Италиянинг “Сорин” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган.

2



Олам саҳнига айланган шаҳар

Санъат элларни бир-бирига боғловчи ришта. Мусиқа оҳангиде фақат эзулик, тинчлик тараннум этилади. Юртимизда 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали мисолида кўриш мумкин. Энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги тантаналари арафасида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўн иккинчи марта ўтказилди.

6

Аҳвол

Истиқболми ёки инқироз?

бир қатор босма нашрлар олдида
икки йўл турибди

Ахборот тарқатишнинг янги ва бугунги кунда қўлайроқ воситаси — электрон ахборот, жумладан, интернет журналистикаси ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келди. Бунинг ортидан жамиятда босма нашрларнинг бу “курашда” орқада қолаётгани ҳақидаги овозлар ҳам “болалади”.

РАҚОБАТДА КИМ ЕНГАДИ?

Фикри-оғизимизча, интернет олами тараққиёти ахборот тарқатишнинг азалий ва анъанавий воситалари фаолиятини жиддий равишда жиловлаётганидан кўз юмолмай-

миз. Аммо рақнақ омили ҳаммаша кураш майдонида юзага келади. Яна шундай фикрлар ҳам борки, босма оммавий ахборот воситаларининг аҳволи тобора ғариблашиб бораверади. Аксинча, босма нашрлар маконида “тиши чиққан” ва унда неча “тўнларни тўздирган” кўп сонли ҳамкасбаларимизнинг ўйи, фикри эса бирмунча ўзгача. Оғзаки ахборот газета ёхуд журнал чекига тушган вазифаларини қанчалар

валломат бўлмасин, ёлчитиб адо эта олмайди. Бу ҳақда жаҳон ва ўзбек матбуоти, чунончи “Hurriyat” саҳифаларида ҳам жиддий ва тағзаминли таҳлилий мақолалар ёритилган. Лекин ҳар қанча таъкидласак-да, интернет журналистикаси, ҳозирги замон телевидениеси ва радиосининг имкониятлари анча кенг ва чуқурлигини ҳам албатта, эътироф этмоқ даркор.

4

Акмал БУРХОНОВ:

Овозимизнинг янада баланд чиқиши учун жамоатчилик фикри ва ишончи муҳим

Бу борада биз кўп ташкилотларни ҳамкорликка чорлаганмиз.

Давлат идоралари олиб чиққан мавзуларни жамоатчилик эътиборини жалб қилиш билан қўллаб-қувватлаймиз. Гоҳида ҳудудларда қонун доирасидаги ишлар амалга оширилмагани ҳақидаги хабарлар ҳам келиб туради. Биз мана шундай вазиятларда тизимни мониторингдан ўтказамиз. Шикоятларни тегишли ҳокимлик ва вазирликларга жўнатамиз. Таҳлил қилиш ва содда тилда аҳолига етказиш, албатта, осон иш эмас. Қолаверса, жамоатчилик назорати деган тушунча тўлалигича шаклланимаган. Фуқаролик жамияти институтларида жамоатчилик фикрини ўрганиш энди-энди шаклланиб келмоқда. Фаолият доирасида кўрапмизки, бу борада ҳал этилиши керак бўлган муаммолар кўп.

Қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ОАВ орқали аҳоли эътиборига ҳавола этилганда, халқнинг "ҳазм" қилиши бирмунча қийин кечмоқда. Шу боис ҳам қонунларимизни содда тилда халққа етказишимиз керак. Бугунги кунда халқимиз "Mening fikrim", "regulation" каби порталлар орқали ўз фикрини билдириши ва ҳатто ўринли тақлиф бўлса, уларни ўзгариш имкониятига эга. Афсуски, бундан фойдаланувчилар кам. Ҳоҳлардимки, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси давлатимиз қонунларини яхши билса ва ўзгариш киритилаётганда ўз тақлифини бериб, фаол фуқаролик позициясида турса, нур устига аъло нур бўлар эди.

— **"Юксалиш" умумийлик ҳаракати ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам тўлмади, шу қисқа муддат ичида қанча аҳолини ўз иш услуби билан таништиришга улгурди, аҳолидан қанча мурожаатлар келиб тушди?**

— Ҳа, иш бошлаганимизга эндигона 8 ой бўлди. Шундан 2-3 ойини вилоят ва туманларда ташкилий бўлимларимизни очишга сарфладик. Ниятимиз, чекка вилоятлардаги аҳоли қатлами ҳам ташкилотимиз фаолиятдан беҳабар қолиб кетмасин. Кейинги босқичда нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида музокара олиб бордик. Умуман олганда, шу қисқа вақт давомида қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик билан ишлашда платформалар яратишга улгурдик. Қолаверса, сир эмаски, нодавлат-нотижорат ташкилотларига давлат бюджетидан маблағ ажратилмайдигани, ўзини ўзи молиялаштирадигани, мана шундай ташкилотлар учун Ҳаракатимиз қошида "Ковертинг маркази"ни ишга туширдик. Уларни зарур техника воситалари билан таъминлаб, жойлашган манзилидаги ихара пулларини тўлаб бердик. Ўтган вақт давомида республикадаги барча ҳудудларга шахсан ўзим бордим, аҳоли билан учрашдим. Уларни қийнаётган муаммоларни ўргандим. Учрашуларда "Юксалиш" умумийлик ҳаракатининг 4 та устувор йўналишини таништиришга ҳаракат қилдик. Яъни, булар — Фуқароларни қўнқиликда бўлаётган ислохотлар билан таништириш; қонун

лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига қўйилганда, тақлифлари билан иштирок этишни амалга ошириш; тақлиқот ва сўровномалар ўтказиш; жамоатчилик назоратини самарали механизминини йўлга қўйиш.

Жамоатчилик ташкилотлари, жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази ва Олимпиядаси билан ҳамкорлик лойиҳаларимизни кенгайтиряпмиз. Фаолиятимиз йўналишларида нафақат озодликдаги, балки қамқоқоналардаги фуқаролар билан ишлашни ҳам қамраб олиш кўзда тутилган. Тадбирларимизда шу пайтгача 5000 дан ошди аҳоли иштирок этди.

— **Ўтган ой юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида "снос", яъни аҳолининг уй-жойлари ва тадбиркорларнинг турли бино ва иншоотларининг бузилишига доир мижозо давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ходисага интернет сайтлари орқали мурожаат билдириб, ўз тақлифларини билан ўртолқашганимиз. Бу борада Ҳаракат номидан амалда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Қўшнинг ҳам уйи бузилмасин, деган нақл бор ва бу бежизга айтилмаган. Мавзу шу даражада долзарб, ҳатто муҳтарам Ўртобшимиз ара-лашуви даражасига эди.

Стратегиямиздан келиб чиқиб, ўз тақлифларимизни аҳолига билдирдик. Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали халқимизга мурожаат қилиб, кимнинг уйи бузилиш хавфидан бўлса, телеграмда очилган махсус бот орқали мурожаат қилишларини сўрадик. Шу пайтгача аҳолидан юзлаб мурожаатлар келиб тушди. Ҳудудлардаги бўлимларимиз раҳбарлари ана шу мурожаатлар изидан тушиб, муаммолар ҳолатлар бўлса, тегишли идоралар билан бартараф этмоқда.

— **"Юксалиш" умумийлик ҳаракати фаолияти ташкилот сифатида айтилиб, "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи"дан нимаси билан фарқ қилади?**

— Маълумки, "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи" ёшлар соҳасига оид давлат сиёсатини турли хил дастурлари асосида амалга оширади. Бизнинг ташкилотимиз эса бутун жамият қатлами билан қамраб олади ва қонунларни жамоатчиликка яқиндан танитишда, фикр бериш ва олишда хизмат қилади. Биз ёшлар билан индивидуал тарзда шуғулланмаймиз, шахсий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этмаймиз.

— **Хабаримиз бор, жамоатчиликни "бир манзилда" йиғиш мақсадида жамоатчилик онлайн платформаси ишга туширилди. Дастлабки натижалар қандай?**

— Жамоатчилик онлайн платформаси шу яқин кунларда ишга тушди. Қисқа муддат ичида фуқароларимиздан 400 дан зиёд мурожаат келиб тушди. Деган муаммо ва тақлифларни йиғиб, Президент администрациясига топширдик. Администрация мурожаатларни тегишли вазирлик ва идораларга жўнатади. Вазирликлар

тақлифларни ўрганиб чиқиб, ўз мурожаатини билдирса, бундан кейин тизимни янада ривожлантириш ниятимиз бор.

Келинг, жамоатчилик онлайн платформаси ҳақида кенгрок маълумот беришга ҳаракат қиламан. Платформа айти пайтда икки йўналишда ишламоқда. Илк мақсад фуқароларимизнинг бугунги кундаги давлатимизда олиб бораётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини ҳис қилиб, қонунларга бўлган муносабатини оширишдан иборат. Кейингиси жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатини қисқа вақт ичида етказишдир.

— **400 дан зиёд тақлиф ва шикоятлар тушди дегингиз, сир бўлмаса, тақлифларнинг асосий мавзуси нималардан иборат?**

— Яширмайман, аксарияти шикоятлардан иборат. Суд-ҳуқуқ, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда фуқаролик ишларидан ва шу пайтгача энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлган Тошкент пропискиси бўйича йиғилган. Таълим соҳасидаги камчиликлардан бири сифатида контракт микдорининг юқорилигини айтишган бўлса, соғлиқни сақлаш тизимида хизматнинг сифат даражаси пастлигидан арз қилишган. Фуқаролик ишлари бўйича ечилиши шарт бўлган муаммо — Тошкент пропискисига ўтиш тартибини соддалаштириш ҳақида тақлиф берилган. Президент Администрацияси биз тақдим этган мурожаатларни тегишли вазирликларга етказишда ёрдам берса, вазирилик ва идоралар оператив тарзда муносабат билдирса, буларнинг бари халқнинг давлат идораларига бўлган муносабати ўзгаришига хизмат қилади, албатта.

— **Хориждаги фаол, илмий ёшларимиз билан ҳамкорлик ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Йўналишимизда хорижда таҳсил олган ва ёрда ишлаётган ватандошларимизни бирлаштириш ҳам бор. "Буюк келажак" нодавлат нотижорат ташкилоти бу борада биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Йил бошидан бери ўндан ортиқ давлатда бўлган бўлса, у ёрда юрдошларимизнинг ўй-фикрларини, ташвишлари ҳақида суҳбатлашдик. Мурожаатлардан кўрамизки, уларни кўпроқ консулликка дахлдор масалалар қийнади. Хориждаги Бутунжаҳон ёшлар федерацияси ташкилотидан 300 дан ортиқ мутахассис билан ёшлар учун турли лойиҳаларни ҳамкорликда ишлаб чиқяпмиз.

— **Сиз докторантурани Японияда ўқиш келдингиз ва фаолиятингизда япон ҳамкасбларингизнинг қайси иш услубини қиритиш истадингиз...**

— Депутат бўлганимдан бери қонунчилигимизда Япония қонунчилигининг ижобий томонларини ўзимизда қўллашга ҳаракат қиламан. Халқнинг давлат идораларига, ерига бўлган муносабатини юқори баҳолайман. Масалан японлар ёз фаслида энергияни тежаб ишлатади. Табиати-ни асраш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга лойик, Япон ха-

лқининг меҳнатқашлиги, янгиликка ўчилиги ҳаммага маълум. Юртимизда японларнинг айтилики, айрим иш услубларини ҳаётимизга татбиқ этсак, табиий ресурсларимизга улардек муносабатда бўлсак, ишонамани, она диёримиз янада ривожланади.

— **Маълумки, бу йил мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Сир бўлмаса керак, сиз Олий Мажлисга қайси ҳудуддан депутат бўлиб сайланган эдингиз? Ҳалаба қозонган сайлов округида нечта номзод бўлган, қандай фарқ билан овоз тўплагансиз?**

— Асли Наманган вилоятиданман. Тўрақўрғон туманидаги 44-сайлов округидан 2014 йилда номзодимни қўйиб, биринчи натижадаёқ ғолиб бўлганман. Бу, албатта, осон кечмаган. Сабаби, 6 йил Японияда ўқиб келиб, пойтахтимизда ишлаётгандим. Наманган вилоятини ҳудудини яхшилаш бўйича амалга оширмоқчи бўлган тақлифларим, қолаверса, мақсадли ғояларим билан халқнинг ишончини оқлаган эканман, сайловчилар 4 номзод ичидан мени сайлашган. Мени танлашганига тўхталадиган бўлсак, номзодимни қўйгунга қадар 50 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, тажрибасини ўрганган эдим. Хорижда тўплаган тажрибаларимдан мисоллар келтириб, аҳолини ишонтира олганман. Қолаверса, касбим юрист. Бу ҳам сайловчиларни ишонтиришда бир восита бўлган бўлса керак.

— **Ўзбекистоннинг маданий бойликлари 2021 йилда Франциянинг Лувр миллий музейида бўлиб ўтадиган кўргазмада намойиш этилиши кўзда тутилган эди. Бу ишларни мувофиқлаштириш тегишли вазирлик ва идоралар билан бир қаторда «Юксалиш»га ҳам юкланган деб эшитгандик. Айти пайтда тайёргарлик ишлари қандай кетяпти ва унда нималар намойиш этилади?**

— Бу кўргазмани ўтказиш бизнинг зиммамизга юклатилмаган. Япониялик ҳамкорларимиз билан суҳбатлашганимизда Илмий технология агентлигининг президенти, профессор Ҳаму Гучи Мучинари юртимизда бўлаётган ислохотларни кўздан кечириб, маданий ва моддий меросларимизга ҳавас қилган ҳолда 2021 йилда Франциянинг Лувр музейида бўладиган фестивалда, истасак экспонатларимиздан 3D версиясини тайёрлаб беришсини ва Ўзбекистон ҳам Халқаро ҳамжамиятда ўз макомини янада яхшилаш учун ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирганди.

— **Ўзр, кўнглингизга олмангу, барибир "Юксалиш" умумийлик ҳаракатининг "овози" бугунги давр талаби даражасида чиқмаётганга ўхшайди. Ё бундай эмасми?**

— Ҳаракатимизнинг овози янада баланд чиқиши учун жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши, фикри ва ишончи муҳим. Энг асосийси, фаолиятимиз учун зарур бўлган платформани ишга туширдик. Қолаверса, юқорида таъкидлаганимдек ташкил топганимизга ҳали кўп бўлмади, кенг қўлламли ишларимиз, мақсадларимиз сари илдамлик билан одимлашяпмиз. Янги ташкилотнинг тақомиллашшига, албатта, вақт керак, йиллар керак. Биз эса имкон қадар зиммамизга юклатилган вазифаларни тезкорлик билан амалга ошириш, давр талабида ишлашга ҳаракат қияпмиз.

— **Суҳбатингиз учун раҳмат!**

— Сизга ҳам раҳмат!

Феруза РАХИМОВА
суҳбатлашди.

Навоийда илк бор

мураккаб жарроҳлик амалиёти амалга оширилди

Бутун дунё тиббиёти бугунги кунда мураккаб юрак жарроҳлик амалиётида ушбу жиҳоздан фойдаланади. Муассасага маҳаллий бюджетдан ортирилган маблағлар ҳисобидан олиб берилган янги технология аҳоли саломатлиги ва тиббиётимиз ривожини учун хизмат қилади, шубҳасиз.

— Ҳозирча фақат кам таъминланган ва узок йиллардан буён шу касаллик бўйича рўйхатда турган оила фарзандларининг жарроҳлик амалиётларини ўтказдик, — дейди марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди М.Аҳмедов. — Чунки бундай жарроҳликни амалга ошириш учун катта маблағ талаб этилади. Янги технологиянинг афзаллиги у маълум муддат юракнинг вазифасини бажариш имконига эга. Бу эса жар-

тарди. Шифокорларнинг айтишича, у яна бир ой назоратда турган, беморлар рўйхатидан чиқарилади. Н.Шарипованинг яқинлари учун бундан катта ва яхши янгилик бўлмаса керак.

Қизилтепа туманининг "Вангози" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 6 ёшли Аслбек Шомуродов ҳам туғма юрак нуқсонини билан дунёга келган. Операциядан кейин у ҳам рўйхатдан чиқиб, тенгдошларидай тўрт мучаси соғ болалар қаторида бўлди.

— Ўғлимнинг касаллиги хавфли эканини билардим, — дейди беморнинг онаси К.Мирзаева. — Пойтахтдаги махсус клиникага олиб боргандик, мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш кераклигини айтишди. Аммо бизда бунинг учун етарли маблағ йўқ эди. Ўғлимнинг тез-тез



роҳларга амалиёт жараёнида қулайлик яратади. 2009 йилдан буён фақат пойтахтдаги клиникаларда бундай ускуна мавжуд бўлган бўлса, ҳозир Наманган, Хоразм ва Самарканд вилоятларида ҳам шундай замонавий ускуналар ёрдамида ўта мураккаб амалиётлар ўтказилмоқда. Вилоятимизга келтирилган ушбу замонавий жиҳоз пойтахтдаги даволаш муассасаларида рўйхатда турган қанчалаб аҳолининг ўзоғи яқин бўлишига ҳамда иктисоди тежалишига ёрдам беради.

Нурия Шарипова Нурота туманида истиқомат қилади. Бир нафар фарзанднинг онаси. Юрагида нуқсонли борлиги ёшлигидан маълум эди. Бироқ оилавий шароити тўғрисида касалликни бартараф этиш имкони бўлмади. Шифокорлар операция қилиш лозимлигини айтса-да, у фақат дори-дармон билан чекланиб юрди. Кейинги вақтларда соғлиғида кузатилган салбий ўзгариш Нурияни чуқур қайғуга солди. Иложсизликдан тақдирга тан бериб, яшадан умидини ҳам узганди. Аммо вилоятда илк бор хайрия сифатида ўтказилган жарроҳлик амалиёти беморнинг ҳаётини ўзи ва ёлғиз фарзанди учун қай-

чарчаб қолиши, ҳолдан кетиши мени хавотирга соларди. Вилоятимизда бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилишини айтиб, бизни чақиришганда, қувонганимдан кўз ёшларимни тийелмадим. Минг шукур, фарзандим операциядан соғ-омон чиқди. Бунинг учун вилоят раҳбарияти ва шифокорлардан миннатдорман.

Маълумотларга кўра, республикамизда йилига 2,5 – 3 минг нафар бола юрак нуқсонини билан дунёга келади. Аммо пойтахт клиникаларида бир йилда шулардан 600 нафарининггина операция қилиш имкони бор. Навоий вилоятида эса айти кунда 10 минг нафардан зиёд юрак нуқсонли билан оғриган ёши катталар турли муассасаларда жарроҳлик амалиёти учун навбат қutiшмоқда. 200 нафардан зиёд бола туғма юрак нуқсонини бўйича рўйхатда туради. Беморларга ўз вақтида ва тўлақонли тиббий ёрдам кўрсатилса, уларни ҳаётга қайтариш мумкин. Республикадаги қўллаб-тиббийет муассасаларининг бундай замонавий жиҳозлар билан таъминланиши эса қанчалаб оилаларга шодлик улашмоқда.

Зебо ҚУТЛИЕВА
Навоий вилояти.

➤ Мулоҳаза

Ҳаёт ўзгармоқда...

Кейинги пайтларда жамоатчилигимиз эътиборини жалб этган, қатор вилоятлар раҳбарларининг қонун доирасида бўлмаган хатти-ҳаракатларига Президентимиз томонидан берилган тегишли баҳодан кейин ҳар бир катта-кичик раҳбарлар ўз масъулиятини чуқурроқ англаб етдилар десак, хато бўлмади.

Ҳаётда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодисаларни очиб қараш билан ёритишда эса тан олиш керак, энг аввало, электрон журналистикамиз "тўртинчи ҳокимият"га даъвогарлигини намойиш эта олди дейиш мумкин. Интернет сайтлари томонидан юзага келган муаммоларни кенг жамоатчиликка етказилиши, содир бўлган қонунбузарликларнинг аксари бизнинг юртимизда нафақат сўз эркинлиги қарор топаётганлигини, шунингдек, оммавий ахборот

воситаларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи тикланаётганлигини ҳам кўрсата олди. Маҳаллий ҳудудларда раҳбарларнинг мутлақ ҳукмронликларини муайян даражада чегаралаш мақсадида ҳокимларнинг ҳам ижро этувчи, ҳам маҳаллий кенгашларга раҳбарлигини бекор қилиш масаласини катта ижобий қадам сифатида баҳолаша бўлади. Мамлакатимиз парламенти сайловлар яқинлашиб келаётганлиги учун ушбу масаланинг долзарблиги

янада ортиши аниқ. Бу галги сайловлар янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида, фикримизча, муросасиз сиёсий кураш олдига ўтиши кутилмоқда. Ҳўш, эртага қайси сиёсий партия вакиллари сайловчилар — тарафдорларининг қандай бари аниқ манфаатларини қатъий ҳимоя қилганликлари билан уларни ўзлари учун овоз беришга даъват этади? Кейинги бир неча йил ичида мамлакатимизда, жамиятимиз ҳаётида ҳам кенг қўлламли, ҳам чуқур

ўзгаришлар давом этмоқда. Кўп йиллар давомида одат бўлиб қолган маъмурий бошқарув усуллари янги ислохотларни амалга ошириш даврида қўзланган самарага эришишда ожизлиги яққол ҳис этила бошланди. Яқка ҳокимликка ўрганиб қолган баъзи раҳбарларнинг ҳаётдаги ўзгаришларни англаш ва уларга мутаносиб равишда иш олиб боришлари машаққатли кечаётганлиги ҳам сезилмоқда. Аммо энди эскича фикрлаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмай-

ди. Раҳбарларимиз инсон омилини биринчи ўринга қўймас эканлар, қилган хатолари учун бундан буён фақат кечирим сўраш билан қўлларини қўлмасалар керак. Зеро, Президентимиз олиб бораётган одилонани сиёсатга, халқимизни рози қиладиган тамойилга жавоб берадиган раҳбарларгина элимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўша оладилар.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

» Эътироф

Хар бир давлатнинг келажиги ўша юрtdаги ёшларга кўрсатилаётган эътиборга боғлиқ. Бу аини ҳақиқат. Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий, маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта ташаббус шу йўлдаги ўта муҳим вазифалардан. Ёшлар истеъдодини юзага чиқаришда мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг ўрни катта. Халқ туганмас бир ҳазина, унда ноёб дурлар — истеъдодлар ҳамиша топилади.

Миллат келажигини белгилловчи ташаббус

Олмосга заргар ишлов бериб, тараб, жиллантириб қимматини оширганидек, ёш иқтидорларни ҳам устозлар ёрдамида юзага чиқариш даркор. Биргина иқтидор эгасининг шуҳрати ўз давлати, миллатининг донгини дунёга ёйиши мумкин. Нисбатан кам сонли халқларнинг вакиллари бўлган Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Владимир Санги каби ижодкорлар ўз юрти шарафини жаҳонга ёймади?! Ёки австриялик буюк бастакорлар ватанини мусиқа пойтахтига айлантирмади?!
Утган асрнинг 73-йил. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультети 3-босқичда талабалар пайтиимиз ҳассос шоиримиз Ҳалима Худойбердиева билан учрашув бўлди. Опанинг адабиётга ёниб кириб, гуриллаб ижод қилаётган вақти. Ушанда Ҳалима опа яқинда ёш шоирлар гуруҳи билан Олмонияга бориб келгани, шеър ўқиганида маъқул бўлганиданми, бир олмониялик шоир бу қиз қайси ордан деб сўраган. Ўзбекистонданман деганларида, юртимиз ҳақида билмаслигини айтган. Шунда Фафур Фуломнинг юртидан дебдилар. Ўша олмониялик шоир "Э, бўлди энди билим" деган экан. Истеъдодли шоира Ҳалима Худойбердиева адабиётнинг кучи ҳақида гапириб, шу мисолни келтирганида гулдурас олқишлар бўлганди. Дарвоқе, хар бир иқтидор эгаси яратган буюк асар халқнинг маънавий мулки бўлиб қолади.

Полвонлар, кенгроқ маънода спортчилар элнинг орини кўтарувчи, юртинги кўрки бўладилар (биргина хоразмлик Пахлавон Махмуд пирнинг фахримизга айланганлиги эслайлик). Спорт эли дунёга тез танилган хижатлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Собик шўролар вақтида битта жаҳон чемпиони бўлган миллатимиздан бугун ўнлаб гроссмейстерлар чиқмоқда. Ёш мусиқачиларимиз халқро танловларда бош мукофотларни қўлга киритиб келмоқда.



Сабаби, мустақиллик даврида муҳит яратилди. Ёшларни гуруҳли қилиб тарбиялаш келажикда ватан шаъни ҳимояси билан боғлиқ. Гуруҳи баланд миллат бошқалардан кам бўлишни, ё бирор масалада қимгадир қарам бўлиб қолишни истамайди. Ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намойён қилиш учун зарур шароитлар яратишга давлат миқёсида эътибор қаратилаётган экан, бу бежиз эмас.

Ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашнинг яна бир муҳим шарти — китобхонлик. Афсуски, маълум вақт бу жараён сустлашди. Аждодларимиз китобни нақадар ардоқлаганини биламиз-ку! Агар ватанимиздан кўнлаб даҳолар чиққан бўлса, бунга сабаб халқимиздаги илмга интилиш, китоб қадрининг баланд бўлганлигидан. Миллат маънавиятини юксалтиришнинг асоси илмдир. Илмга эса китобхонлик билан эришилади. Китобхонликни қучайтиришнинг йўллари кўп. Таклифим халқ кутубхонаси руқни остида қишлоқлардаги зиёлиларни бу ишга жалб қилиш керак. Ҳозирги кунда уйдаги китобларидан қўни-қўшиларга, мақтала-

дошларига бериб китобхонликни тарғиб қилаётган ижодкорларимиз, зиёлиларимиз бор. Маданият вазирилик мана шундай инсонлар рўйхатини тўзиб, уларга рағбат кўрсатиб, қилаётган ишларини қўллаб-қувватласа, китобхонлик янада жадаллашган бўларди. Хар бир маҳаллада нафақага чиққан, уйда анчагина китоблари бўлган ўқитувчилар топилади. Ёки ишларни жонлантириш, мавсумий иш эмас, доимий, тизимли шаклда амалга ошириш керак.

Бундан ташқари, китобхонлик, китобга меҳр ҳиссини фарзандларимизга оиладан, мактабдан сингдиришимиз жоиш. Чунки, оилада бирор қўлға китоб тутмаса, бола ҳам барибир китоб ўқишга қизиқмайди. Бунинг учун эса у мактабга қадам қўйгунча, турли эртақлар, ривоятлар, шеърлар дос-тонлар айтиб бола қўлигига китобга, адабиётга ўргатиш керак. Ўйқса, ҳозирги телефон, интернет ривож топган даврда китобга меҳр уйғотиш осон эмас.

Мактаблар, ҳа мактабларда ҳам таъ-

лим-тарбия, илмга меҳр, китобга меҳр пойдевори қўйилиши бор гап. Аммо минг афсуски, бу борада ҳали талай муаммолар қалашиб ётибди. Аввало, фарзандларимизга дарс ўтаётган ўқитувчиларнинг ўзлари китобхон бўлиши лозим.

Лекин...

Яна бир муҳим масала! Маълумки, шарқда аёлларга муносабат ниҳоятда баланд бўлган. Яхшиликни, аввало, онанга қил, жаннат оналар оёғи остидадир мазмундаги ҳадислар руҳида тарбияланган миллатда аёлларга паст назар билан қаралмайди. Афсуски, бир вақтлар бу борада бизни жоҳилликда айблаганларига ўзимиз ҳам ишониб қолгандик. Аёлнинг интеллекти баланд бўлса, миллатнинг интеллекти баланд бўлади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи дейилганда уларнинг жамиятга фаол аралашуви ортисини эътиборга олиш, жамият тарбиясида ҳам фаол бўлишга чорловни тушуниш лозим. Жамиятда ўз ўрнини билган аёл боласига ҳам зарур тарбияни беради. Қўш уясида кўрганини қилади деганларидек, ота-она халқпарвар бўлса, бола ҳам шу руҳда тарбияланади. Ватанга меҳр гўдакнинг кўнглида ўзи билан бираг ўлгайиши зарур. Ёшлигидан қимлигини билган, аждодларнинг қадрига етадиган, миллатсеварлик туйғусини ҳис қилган ўсмир ўлгайгач, ҳеч қандай ширларсиз ватан туйғусини ҳис қилади-кан бўлади. Ҳаммамиз эшитган Япония мисолини яна бир бор хотирлайлик. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жуда хароб аҳволдаги мамлакат ишни аввало, маърифатга эътибордан бошлаган. Шунда хар ким имконидан келиб чиқиб бор сармоясини давлат учун топширган. Индонезия ҳам иқтисодий бурҳон бўлганда шу йўлни тутган. Ватан туйғуси бўлмаса, шу натижа бўлармиди?! Бугун қават-қават қошона уйлари, бир нечталаб автомобиллари, ошхона ресторани, шахсий меҳмонхоналари бор ўзбекининг янги бойлари, сармоядорлари ҳақида ҳам эшитяпмиз. Илоҳим бўлсин, бу яхши, аммо шулардан қанчаси маърифат йўлида ёки бирор иқтидорли талабага контракт пулини тўлаш учун ёрдам қўлини чўзаётганлики? Миллатпарвар она тарбиялаган бола эса ҳамиша юрт тақдирини ўйлашига аминман.

Президентимизнинг ташаббуслари моҳиятини хар бир ватандош дилдидан англаган ҳолда бу жараёнда имкони қадар фаол иштирок этмоғини ўзининг ватан, халқи олдидаги бурчи деб билимоғи шарт. Бу ишларнинг амалга ошишига бефарқ бўлиш ватан келажигига, миллат келажигига бефарқлик билан баробардир.

Адхамбек АЛИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

» Ўйлаб кўринг

Бугун республикамиз бўйлаб "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари асосида иш олиб борилаётгани ҳудудларимизнинг янги, замонавий қиёфа касб этишига хизмат қиляпти. Давлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларининг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган фармону қарорлар қабул қилаётгани, "Одамлар ҳаётидан бугун рози бўлиб яшаши керак", тамойили асосида барчамизни фаолликка чақираётгани ҳам ана шу ободлик, бунёдкорлик йўлидаги катта қадамлардир.



Арчалар жазирамада ўтқазиладими?

Ободлик останада бошлади, дейишарди. Ўз уйимиз, маҳалламиз, қолаверса, қишлоғимиз ободлигига қанчалик ҳисса қўшяпмиз, деган саволни ўз-ўзимизга бериб кўрайлик. Жавоби унчалик осон бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳужақўрсинга қилинадиган ишлар ҳамон учраб турибди. Бир пайтлар вилоятга (ёки туманга) "юқоридан вахил — катта"лар келаркан" деган гап бўлса, қайси фасл бўлишидан қатъи назар ёзми, кўзми — фарқи йўқ, худлик билан ишга киришилди, яъни турли дарахтлар, анвойи гулларнинг кўчатларини олиб келиб, қўчаларни безаш одат эди. Хар йили туманлар марказлари, шаҳарларда минг-минглаб янги кўчатлар ўтқазиларди. Аммо аксарият ҳолларда уларни парваришlash учун кейинчалик сув билан қандай таъминланиши ҳақида ўша тикчилда бош қотирилмасди. Минг афсуски, бошқа жойларни билмадигу Қашқадарёда ҳозир ҳам деярли шу аҳвол. Акс ҳолда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ариқ суви бормайдиган жойларга, йўл бўйларига арча кўчатлари ўтқазилгани бирор нафи йўқлигини тушунган бўлардик. Аслида ҳам буни билиш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Жазирамада арча кўчати қўриб қолишини ҳамма билади-ку! Кўчат ўтқазилишининг ҳам ўз қонун-қоида-си, вақти, мавсуми бор. Қолаверса, кўчат ўтқазилишининг бу иш мутахассислар тавсияси билан олиб бориладиган, ҳам нолнинг униб-ўсиши қафоллангани, ҳам уларга сарфланган харажат қўйилмади.

Ахир, бир ёки беш йил да-

вомиди ҳудудларни кўкаламзорлаштириш учун қанча кўчат ўтқазилганини тасаввур қила оласизми? Шундан қанчаси барқ уриб ўсмоқда ва неча миллион кўчат шу йилгидек қўриб нобуд бўлган? Шунга ўхшаш саволлар кишини ўйлантиради, аммо бу билан бирор қизиқайтгани йўқ, чамамда. Сув бормайдиган, тўғрироғи, дарахт экиб, сўнг суғориш сира ўйланмайдиган жойга шомашошарлик билан ўтқазилган кўчатларни қўриб, эссиз, шунча меҳнат, шунча маблағ, дейсиз беихтиёр. Дарахтлар, турли-туман яшнаб тургунчи кўчатлар... Улар фақат буйруқни бажариш учун қоғозларда қолган рақамларга айланмоқда. Ахир, бу ниҳоллар гектар-гектар майдонларда катта меҳнат эвазига етиштирилади! Уларга катта ишчи кучи, қанчадан-қанча маблағ, минерал ўғити техника қувватидан бош қотирилмасди. Минг афсуски, бошқа жойларни билмадигу Қашқадарёда ҳозир ҳам деярли шу аҳвол. Акс ҳолда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ариқ суви бормайдиган жойларга, йўл бўйларига арча кўчатлари ўтқазилгани бирор нафи йўқлигини тушунган бўлардик. Аслида ҳам буни билиш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Жазирамада арча кўчати қўриб қолишини ҳамма билади-ку! Кўчат ўтқазилишининг ҳам ўз қонун-қоида-си, вақти, мавсуми бор. Қолаверса, кўчат ўтқазилишининг бу иш мутахассислар тавсияси билан олиб бориладиган, ҳам нолнинг униб-ўсиши қафоллангани, ҳам уларга сарфланган харажат қўйилмади.

Ахир, бир ёки беш йил да-

Гулноза РАҲАБОВА,
Ўзбекистон "Алолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

» Ха-ёт!

Кейинги пайтларда одамлар насл-насаби, бобо-ю бобокалонлари, қариндош-уруғлари, таниш-билишларининг мансаб-мартабалари билан кўп мақтанадиган бўлиб қолишди. Ёки бундай: "Менинг бобом дуохон ўтган, у ўқиб дарёни тескари оқизган...", "Менинг авлодларим эшон, бутун халқ уларга мурид бўлиб, ҳурматида этган", "Менинг тоғам раис...", "Менинг юқорида акахоним ишлайди, хар қандай муаммони "шесть секунд-да" ҳал қилиб қўяди" ва ҳоказо...

Ўзимиздан сўзласак...

Табиики, эшонлар ҳам, раислар ҳам, феъли-хўйига қараб, хар хил ўтган. Ҳазрат Нақшбанд (Баҳоуддин Балғордон) ҳам эшон бўлган, аммо у киши "дил ба ёру, даст ба кор", дея ўз ризикни меҳнат билан ҳалол топган. Дўкчи эшон (Мухаммад Али халфа) бобомиз бутун бир миллатнинг гаму қайғуси билан яшаган, Андижонда миллий озодлик ҳаракати (1898) раҳнамолик қилган. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг пири Хўжа Абдулла энг оғир дамларада "мен адолат йўлида жон беришдан қўрқмайман!" (Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. Роман. Тошкент, 1979-Б. 146), — дея ўлимнинг кўзига тик қараган эди. Албатта, бундай улуғларимизни хар қанча эсласак, улар

нинг илмини ўргансак ва гурурлансак арзийди.

Хар қадамда аждодининг эшон бўлганини ўзининг эшон-зода эканлиги, "акахон"ларию мансабдор куда-андалари билан, ҳаётида бирор яхшиликка ярамаган, умрида илнжисиз, гаразсиз бирор иш қилмаган ва сизга қараб, тап тортмай, "менинг аждодим эшон ўтган, дуо-си билан дарёни қуритган, сен ким бўлсан!", дея кўзларини лўқ қилиб турган кишига нима ҳам дердингиз? "Худо инсоф-финги берсин", дейсиз-да.

Яна бирор интернетда маъруза қилиб, "кимки пирга қўл берса, хатто Азройил ҳам пирнинг рухсатисиз мурид жонини ололмаслиги ҳақида лоф уриб ўтирибди" (Тариқат тариқийетга қаршимиз? Султонму-

род Олим билан суҳбат//Тафаккур, 2018.№3. -Б.39.). Гапни қаранг-а.

Азайимхонлик билан дарёни тескари оқизадиган кишини ким кўрибди? Ахир нафаси шундай илоҳий қувватга эга зотлар ҳақиқатан мавжуд бўлса, уларни кўз қорачиғидай асраб, улар ёрдамида бекордан-бекор оқиб ётган дарёларни чўлу биёбонларга бошқариб, у ерларни боғу бўстонга айлантирсак, беҳад савобларга қолмасмиди? Қанчадан-қанча техника, ишчи кучи, вақт тежаларди... Хай-хай. Ушандай эшонларнинг умри бекордан бекор "иссиқ-совуқ" қилиш билан ўтиб кетибди-я. Афсуски, минг афсус.

Ҳозирги замонада кишилар насл-насаби ҳақида фахр, гурур билан гапирадилар, дедик. Ўйлаб кўрсак, бу ҳам эркинлик, озодлик неъматиди. Бутун бир халқ, миллат озода мустақил бўлиб, сўз эркинлигига эришгандан кейин, аввалгидек ҳадиксирмай, кўнглида бори-ни гапирадиган бўлиб қолди. Бундай замонга тасаннолар бўлсин. Бунгача эса...

— Бобо-ю бобокалонларинг ким ўтган?
— Деҳқон бўлганлар, чорикорлик қилганлар...

— Бойларнинг қўлида ишлаганлар...

— Саводи бўлгани уларнинг? — Йўқ, харф танимаганлар. — ... бармоқларини сиёҳга бола-тириб қўл қўйганлар...

Агар архивлардаги, ўтган асрнинг 30-40-йилларини кўятуриб, 50-60-йилларида ҳам баъзи давлат идораларида тузил-

ган баённомаларни кўздан кечирилса, уларда ёзиб қолдирилган худди шундай савол-жавобларга дуч келинади. Бинобарин, ўша пайтларда аждодлариди саводли, араб алифбосини билган, ҳеч бўлмаса "Харф-тияк"ни ўқиган бўлса, бас. Масъулиятлироқ вазиладан умид қилмай қўяверсин эди. Саводи, иқтидори ҳеч қандай "рол" ўйнамади. Аравақашлигини қилиб юраверсин! Вассалом. Якуний хулоса шундай бўлган. Натижада қатагон қилинган мулла, хатиб, эшонларнинг болалари, хатто невалари ҳам уларни саводсиз эди дея, арвоҳларига тўхмат қилганлар. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да, бечораларнинг!

Бу қарийб мустақиллик йилларига давом этиб келди. "Оиласида қатагон қилинганлар бўлганми?" Бу савол ва жавоб билан саводли мамлакатининг хар бир фуқароси ҳақида махсус идоралар ғаладонларида сақланадиган маълумотларнинг энг муҳими ҳисобланган. Тасдиқ жавоб уни эгасининг бундан кейинги ҳаёт йўларида гов бўлиб қолаверган...

Энди эса кишилар насл-насаблари билан мақтанганича, оғизлари чарчамайди. Ростданам саводли, элу халқга яхшилик қилиб ўтган аждодлар бўлса-ку, бош устига. Тўғри, одам етти пуштини билимоғи керак. Аммо... кейинги пайтларда баъзилар ўз насабларининг биографиясини "тўқий" бошладилар: "Менинг бобою бобокалонларим Ҳисор бегининг отбоқари бўлган. Ибро-

ҳимбек кўрбошига ёрдам берчиркан". — "Мени отамнинг отаси Денов бегининг ўлпончисига ўтган, икки маротаба ҳажга бориб келган". — "Менинг эса катта бобом Амир Олимхон ҳарамиди..." ва х... Мен фақир уларнинг биридан сўраб қолдим: "Ҳарам — бу нима?". "Билмасам". "Нега билмай мақтаниб юрибсиз? Ахир, амирларнинг ҳарамиди фақат ахта қуллар хизмат қилган-ку!" "Йўғ-е, мен амирнинг идораси деб ўйлабман..."

Худди шундай, баъзи замондошларимизнинг ўз насл-насабини пеш қилиб, мансабдор "акахонлари" номидан хар жойда рости ёлғонни гапириб, лоф уриб юришлари замирида нима ётади деган ҳақиқ са-рол турлида. Бу ҳам халқ урф-одатларига боғлиқ бир ҳодиса-ми? Ахир, бу нарса бошқа миллат халқларида учрамайдик. Бирор немис, инглиз, француз ёки грекнинг таниш-билишлари, урғу-аймоғлари номини ўртага солиб, "иш бизи турганини" эшитганмисиз? Бўлса бордир, аммо биздагидек даражада эмасдир?

Азалдан мавжуд бўлиб, бугун кенг томир отиб бораётган таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, мансабдор акахонлар билан мақтаниш — буларнинг барининг асосида турли хил тор манфаатлар ётмайдими? Халқимиз тилидаги агар "Ҳақнинг назарига тушмасанг, эшак бозорида даллол ҳам бўлмайсан" деган матал замирида ҳам худди юқоридаги маъно яширинмаганими? Наҳотки,

инсон ўз ақли, илми, малакаси, интилишлари натижасида йўлини топиб кета олмаса, албатта Ҳақнинг назари қилиб, Аллоҳ кечирсин, бирининг "назарига тушиш" учун югуриб-елса... Бирор "назарига тушиш"нинг соқласи неча пул ўзин? "Учинчи одам"сиз наҳот ишинг битмаса, мушкулнинг осон бўлмаса?!
Яқинда интернетда эскирган шарқона "ағайнизм" одатларимизга қарши қаратилган бир мақола ўқиб қолдим. Унда АҚШдаги бир хусусий университет ҳақида гап кетади. Ректорининг якка-ю ёлғиз ўғли шу олийгоҳга уч йилдан буён ки-ролмай юрган экан. Онаси ҳам шу ерда ўқитувчи денг. На ота, на она бу ишга аралашмади. Бу масала билан қизиққан ўзбек журналистига: "Менинг шахсий манфаатимдан Америка манфаати устунроқ" дея жавоб қайтарибди ректор.

Қанийдики, бизнинг бошларимиз ҳам худди шундай фикр юритса, ҳеч иккиланмай, эл кўзига тик қараб: "Ўзбекистон манфаати, халқ манфаати менин шахсий манфаатимдан устунроқ", — дея олсак!

Ёки биздаги "ағайнизм" синдромининг бошқа яна сабаблари бормикин? Одамларимиз руҳиятида "шўх"сиз ишинг битмади" деган фикр ўрнашиб қолган бўлса-чи?
Эл кўзига яхши кўриниш, сохта обрўга эга бўлиш, шахсий ишларини бажариш учун мансабдор қариндошлари, ҳамшаҳарлари номини сотиб, авлод-аждодлари билан оғиз кўпиртириб мақтаниб, шахсий

ишларини бажариб юрган замондошлардан гоҳида сўрагим келади: "Қани, ўзимиз нима қиллапмиз? Икки-чиркилар ат-рофида ўралашиб, майдалашиб қолмадикми? Эртага авлодлар бизнинг номимизни гурур билан тилга оладиган бирор са-вобли ишнинг бошини тутдикми? Улар ҳам, вақти келиб, мана бу боғни отам яратган, мана бу кашфиёт отамдан қолган, мана бу қасрни бобом қурган (қурдирган), мана бу чинорни... дея фахрлана оладиларми?"

Шу топда миямга келган бир фикр айтган мулоҳазаларимга қарши ўзимни "сўроқ"ка тутта бошлайди: Ҳўш, авлод-аждодлари, қариндош уруғлари, таниш-билишлари билан мақтаниш, фахрланишнинг нимаси ёмон экан? Яхши, эларо обрўли эканики, гурурланишда, суянишадиларда.

Ҳа, кўз тегмасин, омон бўлишсин. Аммо, бу гурур, фахр имонли хар бир кишининг аввало ботинида, бегараз бўлиши керак назаримда. Кечагина амаким, жигарим, уруғим аймоғим деб юрган айрим зотларни бугун мансабу мартабасидан айрилган, ё бошқа сабаб ҳеч ўзига "яқинлаш-тирмади"лар-ку.

— Ҳа, у кишими, йўқ, менинг устозим эмас, аксинча, алоқамиз ҳаши бўлмаган...

— У одамми? Э, йўғ-а, уму-ман бизнинг кишлоқдан эмас... Бизми, биз аслида ҳалиги... одам борку... ўша киши кен-нойингизга узоқроқ қариндош бўладилар. Бирор хизмат бўлса...

Бозор Илёс ал-АМИН.

Истиқболми ёки инқироз?

бир қатор босма нашрлар олдида икки йўл турибди

Бундай қудратли восита билан эркин ва ҳалол рақобатга дадил кириша олмаган босма нашрлар чиндан ҳам бўйлаб оқсоқлик гирдобига тушиши, пировардида эса кураш майдонини тарқатиши тийин бўлиб қолди. Эндиги замонда ёлгон-яшиқ чиқишлар, мишмишлар, олди-қочди гаплар билан эмас, одамлар қалбини чин ҳақиқатни ҳолисанилло тараннум этиб, тафаккурини бемалол ва беихтиёр забт эта оладиган, шу куннинг долзарб мавзуларига дахлдор дадил чиқишлар билангина забт этиб, чинакам муҳлислар орттира билганнинггина "ови" бароридан келади. Бу борадаги табиий тўсиқлардан тап тортмаган, уни маҳорат, интилиш, изланиш ҳисси-ла бартараф эта олган нашрнинг ошғири чиндан ҳам олчи. Афсус, кўпгина тахририятлар бу янглиғ истиқболдан то ҳануз четда. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади. Замон муҳаррири қаламқашдан ана шундай катта маҳоратнинг салоҳиятини суғаряпти. Айрим нашрларимизнинг адади ҳаминқадарлигига қолаётган, боз устига, борлари ҳам ойма-ой янада камайиб кетаётган экан, бунинг боисини мутасадди раҳбардан, ҳокиму муассислар билан бир қаторда, ўз савиямиз, малака ва маҳоратимиз уфқларидан ҳам изласак дуруст бўлар.


Лекин, ҳарна қилсаям, табиий тўсиқлар бор жойда сунъий говлар ҳам бўй кўрсатади. Бундай ғализ манзара, афсуски, кўп ҳолларда босма нашрлар йўлини ҳам тўсиб қўймоқда. Ҳўш, босма оммавий ахборот воситаларининг бу соҳадаги обрўсини кимлар ва нималар тўқияпти?

Халқимизда тани бошқа, дард бил-

мас, деган теран маънили нақл бор. Гап шу ҳақда кетар экан, ҳар қандай воқеа, хабар, янгилик зум ўтмай ўқувчи-муҳлис онгидан жой олиши, қалб мулки, хотира бойлигига дўниши, билим ва ҳаётий тажрибасини бойитиши, катта ва салмоқли тарбиявий таъсир кучини кашф этиши зарур, деган хулосага келдик. Нафсиламбирини айтганда, газетчилигимиздан кўзда тутилган энг муҳим ва устувор вазифа ҳам шундан иборат. Жаҳон тажрибаси матбуот ҳар қандай давлатнинг ниҳоятда қудратли маънавий-ғоявий қуроли эканидан далолат беради. Мамлакат матбуотдан, матбуот эса давлат ва юрт аҳли мададидан холи тарзда ривожлана олмайди. Шундай экан, матбуотни ўз ҳолига ташлаб қўйган юртнинг оти чоппаслиги турган гап. Матбуот оламини камраб олган ҳозирги оқсоқликка, авваламбор, соҳа ходимларининг ўзлари сабабчи қабилдаги ўй-фикрларда ҳам жон бор. Аммо бор айбон матбуотчилардан излаш ҳам адолатдан эмас.

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ "КЎМАГИ"

Мана неча йилдирки, ҳар кунга газета ўқишдек катта ҳузур-ҳаловатдан мосуво яшаймиз. Нера? Газетани обуна учун тўланган мўмай пул эвазига қанда қилмай уйимизга етказиб, қўлимизга тутқазиб мажбуриятини зиммасига олган "Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" ташкилотларининг жойлардаги масъуллари ҳафсаласига тан бермаслигини иложи йўқ. Уларнинг бу борадаги "камтарин хизмати" боис, газеталар ҳафтасига бир, нари борса икки борагина қўлимизга етиб келаяпти, холос. Зада бўлганимиз боис, ҳатто ўзимиз обуна бўлган нашрларни



босилиб чиққанидан сўнг орадан 5-6 кун ўтгачгина уйимизга элтиб берган почта ходимига баъзан улар етказиб берилган санани қайд қилган ҳолда "дастхат" ҳам ёздириб олганмиз. Почта аталмиш ташкилот бир вақтлари ўзимиз яшаётган Урганч шаҳрида нашрларни қўнига икки маҳал (вилоят нашрларини кўннинг биринчи, республика нашрларини эса иккинчи ярмида) етказиб бериш тартибини жорий этган эди. Босма нашрларни тарқатишнинг бундай ибратли усулини энди тарих қаридан излаганларига топа олишадди. Обунани тарқатувчилар нашрлар ўз эгаларига аксарият ҳолларда босиб чиқарилганидан сўнг орадан 3-4 ҳафта, ўн кун ўтгачгина етказиб берилаётганини ёки умуман етказиб берилмаётганини ҳам сир эмас. Ҳатто ўзи ёзилган нашрни йил бошидан ололмаётган обуначилар ҳам борлигига нима дейсиз? Нашрларни эгаларига тарқатишдаги бу каби қусурлар, бош бошдоқликларнинг охири қўриммаётгани, тахририятларга, уларнинг жойлардаги муҳбирлик пункт-

ларига ёғилаётган шикоят ва эътирозлар сони тобора ортаётганига изоҳ борми?

Шу ўринда ҳукмингизга ҳавола этилган фикр-мулоҳазалар, факт ва далиллар асосан Хоразм вилоятидан келтирилган ва қўлчилиги воҳа маркази — Урганч шаҳри матбуот тарқатувчилари фаолиятига дахлдор. Газета ва журналларни тарқатишга доир ишлар вилоят марказида шу алфозда бўлса, чекка ва узоқ туманлар, қишлоқлардаги аҳолини асло гапиргиллиги йўқ!

НОМИГА НОМУНОСИБ "ТЕЗКОР МАТБАА"

Одамлар нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз? "Тезкор матбаа" деб номланган қорхонанинг бу борадаги "ихтироси"га ҳар қанча "қойил" қолса арзийди. Ушбу қорхона обуначиларга бутун республика миқёсида хизмат кўрсатишдек масъулиятли вази-матни, аҳамияти, долзарблигини йўқотмайдиган, назар-эътиборсиз қолдирилмайдиган, ўз ўқувчисини ҳар қанча мўддат, муҳлат ўтса-да, топа оладиган, айни пайтда тезкор ахборотдан бироз холи таҳлилий тусдаги мақолалар билан кўпроқ ва мўлроқ безаш зарурга ўхшайди.

маош сарфлаб, почта ташувчиларни ёллаш, ташвишга ботиб, уззу-кунни машаққатли меҳнат домида ўтказишга на ҳолат? Ачинарли тарафи, мазкур субъект масъуллигига қўра туман ички ишлар бўлимига йўллаб, уни қонун, адолат ва ҳолислик меъёрлари асно-сида ҳал қилишни расман сўради. Орадан бир неча кун ўтгач, мазкур маҳкама масъулларидан бири муҳбирга сим қўқиб, газетанинг ваколатли вакили расман сўроққа келиши лозимлигини билдирди ва тезда ҳузурига етиб келишни тайинлади. Акс ҳолда мажбуран келтирилиши чоралари кўрилишини таъкидлади. Қаламқашнинг қонун бандлари билан баён этган асосли эътирозидан табиийки наф чиқмади. Терговчи тарафидан сунъий тарзда вужудга келтирилган ноҳожат ҳолат туман "Халқ қабулхонаси" ва прокурорнинг аравашувидан сўнг ечим топди. Муҳбир мурожаат қилганлик учун ИИБга чакиртилмайдиган бўлди. Қаламқашнинг қонуний фаолияти билан боғлиқ бундай воқеага олдин ҳеч ним дуч келган эмас, у биринчи марта қайд этилапти, дея баралла айта оламизми? Йўқ. Бундай тўсиқларга нисбатан қўрилажак чора матбуотимиз имконларини ошириш ҳамда эмин-эркин фаолиятини ташминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Ва ниҳоят, кейинги мўжда тегшли ҳоқиқият органлари, муассисларнинг саёй-ҳаракатларига бориб тақалади. Мазкур бўғинлар ўз муассислигидаги нашрларнинг обрўси, нуфузи, мавқеини сақлаб қолишга қаратилган тадбирларни зиммадаги бурч ва мажбуриятларни номига ёхуд расмий-чилик учун қўл учиде адо этиш ил-ин-жида эмас, балки қарамоғидаги оммавий минбарнинг даъват, тарғиб-ташвиқот, илғор тажрибаларни кенг ёйиш мақсадида амалга оширсалар, нур устига аъло нур бўлади.

Қисқаси, босма нашрларга панжа орасидан қараган, йўлига гов солишга уринганларнинг ҳаракати ўз оёғига ўзи болта уриш билан баробар. Матбуот-сиз на равақ, на рўшноликка эришилмаслигини бу қадим ҳаёт кўп бор исбот этгани ҳақиқатдир.

Шу боис ҳам оммавий нашрлар саҳифаларини ҳафта-ўн кун, ҳатто ойлар, йиллар ўтса-да, эскириб, қиммати, аҳамияти, долзарблигини йўқотмайдиган, назар-эътиборсиз қолдирилмайдиган, ўз ўқувчисини ҳар қанча мўддат, муҳлат ўтса-да, топа оладиган, айни пайтда тезкор ахборотдан бироз холи таҳлилий тусдаги мақолалар билан кўпроқ ва мўлроқ безаш зарурга ўхшайди.

ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРГАН МУХБИР СЎРОҚҚА ЧАҚИРИЛАДИМИ?

Республика нашрларидан бирининг Хоразм вилоятидаги муҳбири фаолияти билан боғлиқ бир воқеа буни аққол тасдиқлади. Урганч туманида истиқомат қилувчи уч нафар фу-

Абдулла СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Уюшма фаолиятидан

Навоий:

Навоий вилоятида "Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси — амалда" мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов иштирок этган анжуманда вилоятдаги тахририятлар раҳбарлари, журналистлар ҳамда қорхона-ташкилотлар матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Касб этикаси — амалда

Дастлаб, анжуманда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилоят бўлими фаолияти хусусида сўз борди. Хусусан, бўлимни 15 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида бошқарган Еркул Умаров ўз аризасига биноан бўшатилгани ҳамда бўлим Бошқарув ҳайъати томонидан янги раис сифатида шу вақтга қадар вилоят ҳокимлигида ишлаб келаётган Отабек Аслонов сайлангани эълон қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси Кодекси, унинг қабул қилиш жараёни ва амалда қўлланилиши ҳақида сўз юритилди. "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари тахририятлари давлат қорхонаси бош муҳаррири Бектемир Пирнафасов, "Халқ сўзи" газетаси вилоят муҳбири Темура Шабоев ҳамда "Наво-

ий ёшлари" газетаси муҳаррири Санжар Қурбоновлар слайдлар асосида журналистларнинг бирдамлиги, журналист аҳлининг халқ олдидаги мажбуриятлари, муҳокама қилинаётган кодекс мазмун-моҳиятини ўрганиш каби мавзуларда сўз юритдилар.

Очиқ мулоқот давомида воҳа журналистикасидаги мавжуд муаммолар, журналистлар уюшмаси вилоят бўлими олдида турган долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Семинар давомида 5 нафар фаол журналистга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, "Ёш юраклар садоси" китобидан мақолалари ўрин олган 8 нафар навоийлик ёш журналистга китоблар топширилди.

Хоразм:

Журналистлар учун диний билим ҳам зарур

"Ислом ғоясининг хуррофот, бидъат амалларидан фарқи" Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Хоразм вилояти бўлими томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир ана шундай номланди.

Тадбирда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили — вилоят бош имом-хатиби Хайрулла Абдуллаев журналистларга Ислом дини, қадрият ниқоби остидаги бидъат, хуррофот амаллари тўғрисида тўлиқ маълумот берди.

Мусулмон дунёсидаги улуғ айём — Қурбон ҳайити кўнлари ўтказилган мазкур учрашувда динимиздаги инсонпарварлик ғоялари, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўринишларини талқин қилишда ҳар бир журналист билиши лозим бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Бўлиб ўтган учрашув, айниқса, ёш журналистлар учун ўзига хос маҳорат машғулоти бўлди, — дейди тадбир иштирокчиси, журналист Одилбек Адамбаев.

фот этган, 137 нафар киши турли тан жароҳатини олган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Жобир Хўжакулов.

Жиззах:

Олти ойда нечта йўл транспорт ҳодисаси содир бўлди?

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жиззах вилоят бўлими ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят ҳудудида содир этилган йўл транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумотлар берилди.

Қайд этилишича, 2019 йилнинг 6 ойи давомида

вилоят ҳудудида жами 108 минг 365 та қоидабузарлик аниқланган бўлиб, шундан 28 минг 278 тасини қўпол қоидабузарликлар ташкил қилади. Шунингдек, ҳисобот даврида 141 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган. Оқибатда 33 нафар фуқаро ва-

Айтганча...

Султонмурод Олимнинг матбуотда эълон қилинган бир мақоласини ўқиб, ўз фикрларимни баён этишни лозим топдим. Қуюнчақлик ила ёзилган бу фикрларга бир истисно билан қўшиламан.

«Ўрта Чирчиқ» деб ёзайлик!

Истисно дейишимнинг важи шуки, Чирчиқ дарёси номи билан айтиладиган уч туман отини қўшиб ёзайлик, дейилибди мақолада. Ўртага ташланган бу муаммо кўпдан бери бор. Эсимни таниб, хат-саводли бўлганимдан буён «Юқори Чирчиқ» ҳам, «Ўрта Чирчиқ» ҳам гоҳо қўшилиб, гоҳо ажратилиб ёзилади.

Бу тўғрисида журналист Маъмуржон Бозоралиев ҳам янгилишмасам, «Тошкент ҳақиқати»нинг 2008 йил ноябрь ойи сонларида «**Ўртачирчиқ**» эмас, «**Ўрта Чирчиқ**», дея тўғри илмони талаб қилган эди. Ўзимнинг ҳам шу ҳақдаги «**Қачонгача «Ўртачирчиқ»?**» сарлавҳали мақолам Тошкент вилояти газетасининг 2016 йилги 86-сониде, «**Яна «Ўртачирчиқ»ми?**» номи остида ёзганларим эса Ўрта Чирчиқ тумани нашри «Машъал» газетасининг 2017 йилги 42-сониде эълон қилинган. Хуллас, бу масалада кўпдан бери бош қотирилмоқда. Кимдир қўшиб ёзамиз, деса, яна кимдир ажратиб ёзиш тарафдори. Қарангки, орамизда сўзлар орасига тире белгисини жойлайдиган «биграф»лар ҳам учрай-

ди. Яхшиямки, қонун бор. Ҳа, қонун мана шундай тушунмовчиликларни тартибга солади.

Мустабид тузум занжирларидан ҳали тўлиқ озод бўлмаган Ўзбекистонимиз 1989 йилнинг 21 октябрида муҳим тарихий ҳужжатни қабул қилгани барчаимизнинг ёдимизда. Ҳаётимизда тўб бурилиш ясаган ушбу ҳужжат «Давлат тили ҳақида»ги қонундир. Қонуннинг 7-моддасига асосан, давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади. Бу қоидалар эса орадан олти йил ўтиб, 1995 йил 24 августда имзоланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган.

Қарор иловасига мувофиқ тасдиқланган ўзбек тилининг асосий имло қоидаларида ҳарфлар, асос ва қўшимчалар, бош ҳарфлар имлоси, кўчириш, чизикча билан ёзиш қоидалари қатори қўшиб ва ажратиб ёзиш меъёрлари ҳам мухтасар белгилаб берилган.

Хусусан, илованинг 47-бандида:

«Иккинчи қисми турдош от билан ёки обод сўзи билан ифода-ланган жой номлари қўшиб ёзилади: Ян-гийўл, Тўртқўл, Мирза-обод, Халқобод ваб. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: Ўрта Осиё, Кўхна Урганч, Ўрта Чирчиқ каби», дейилган.

Иловадаги мисолда «Ўрта Чирчиқ» сўзининг келтирилиши ҳам вилоят тили миздаги «Чирчиқ» сўзи билан биргаликда аталувчи уч туман номида ҳар икки сўз ҳам ажратиб ёзилиши зарурлигини кўрсатади.

Ило, «Ўртасарой» сўзи ҳам ажратиб ёзиларканда, деганлар қаттиқ янглишадилар. Чунки, «сарой» сўзи турдош от. Агар «Чирчиқ» каби атоқли от бўлганида эди, ажратиб ёзилар эди.

Демак, ушбу жой номларини «Юқори Чирчиқ», «Ўрта Чирчиқ» ва «Куйи Чирчиқ» каби ёзиш мақсадга мувофиқдир. Демак, яқдил фикр шу: «Ўрта Чирчиқ» деб ёзайлик!

Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

► Мутулаа

Ҳаёт — рубоб, ҳамма — чоғуғечи,
Ҳар ким ўз куйини ўзи чалади.
Кимнинг куйи бир лаҳзалиқдир,
Кимнинг куйи мангу қолади.

Шафоат ТЕРМИЗИЙ.

Менглибой Муродовнинг ўтган йили пойтахтимиздаги “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Садоқат ва армоннинг ранглари” номли китобини ўқиб, кўнглим бир-биридан ёруғ, тотли туйғуларга тўлди. Ҳужжатли, бадий қисса ва хотираларни қайта-қайта, синчков мутулаа қиларканман, кўз олдимда такрорланмас манзаралар сурати чизилди. 520 саҳифали, қалингина бу китоб аёлларга, оналарга адосиз бир мадҳиядек.

Яхши китоб — кўнгли ойнаси

Ёзувчи дўстимиз Менглибой Муродовни умр йўлдоши — Тўйибининг вафоти қаттиқ қайғуга солди. Бу эса ушбу китобнинг дунёга келишига сабаб бўлди. Китобдаги бадий гўзал олам ҳақида тўхталишдан аввал ёзувчи тўғрисида икки оғиз сўз. У Навоий вилоятининг Конимех туманидан. Бухоро педагогика институтидан ўқитганимизда, яъни ўтган асрнинг олтинчи йиллари шу тумандаги Шодибек кишлоғига дўстим билан кўп борганман. Талабаларнинг қайноқ давларидан сўнг ҳам бу дилдош, курсдош дўстим билан айрилиб кетмадик. У институтни тамомлагандан сўнг кизгин ижодга берилди. Мазкур китобдан олдин унинг “Юрагимда борини айтдим”, “Менинг бола қалбим” асарларини ҳам севиб мутулаа қилгандим. Айниқса, “Менинг бола қалбим” китоби

би ўзбек болалар адабиётида яратилган энг сара асарлардан бири десам янглишмайман. “Садоқат ва армоннинг ранглари”га қайтайдиган бўлсак, уни икки китобдан иборат дейиш мумкин. Биринчиси, шу номдаги қисса, иккинчиси эса армоннинг ранглари. Яна бир нарсани қувонч билан таъкидлашим керак. Менглибой Муродов ҳам ёзувчи, ҳам шоир. Китобдаги ҳужжатли қиссада у ўзининг ёзувчилик истеъдодини намоян этган бўлса, “Армоннинг ранглари”да шоирлик иқтидори бўй кўрсатган. Ушбу бўлимдаги қирққа яқин шеър ҳам тўласинча умр йўлдоши Тўйибини момага бағишланган. Асарни ўқиш билан китобхон ёшлиқнинг энг ширин, соҳир дамларига қайтгандай бўлади. Автобиографик руҳдаги китобда муаллифнинг ловуллаган юраги бор бўйича бадий

ифодасини топган. У сағир йигит, отаси 1943 йилнинг 21 декабрида Сталинградда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Аммо у етимликнинг жаҳр-жафоларига бўйин эгмай, ҳаёт қаршиликларига басма-бас яшайди. Ўзига ўзи далда бериб шундай дейди: “Майли, хафа бўлма, кўнглингни чўктирма! Буни қисмат дейдилар! Буни ҳаёт дейдилар! Буни тақдир дейдилар! Ойнинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ дейдилар! Бу дунёда бағри бутун одамнинг ўзи кам, ука... Ўзи кам! Сабрли бўл! Иродали бўл! Ҳаёт — бешафқат!”

У 53 ёшдаги онаси Хадича ая ва Хайитгул опасини қолдириб, Бухоро педагогика институтига ўқишга киради. Бу воқеалар қиссада жонли бадий бўёқлар кўмағида таъсирчан тасвирланган. Институтда Норбой деган ўзидан

икки — уч ёш катта йигит билан танишуви, йигитнинг ўзи талаба бўлса-да, унга мадад қилини чўзиши, ранг-баранг, қизикарли воқеалар асосида ҳикоя қилинган. Талабалик даврида қисса қаҳрамонининг дунёсига севги кириб келади. Оқ олтинлик соҳибжамол қиз ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолади. Аммо қизнинг отаси кимсан катта бир ҳўжаликда раис. Менглибой эса калта кўрпасини юқорига тортса, оёғи очик қоладиган оддий талаба йигит.

Норбой асар қаҳрамонининг севгисини ҳар қадамда қўллаб-қувватлайди. “Раиснинг қизи бўлса, нима бўпти. Севгида шох ҳам, гадо ҳам баробар. Ҳамма нарсга юрак-ка боғлиқ, укам. Кўнглингни маҳкам тут”, дейди ва уни эргаштириб, Тўйибинингнинг уйига боришга журъат топади.

Қисқаси, асарда ёшларга ибрат бўлгулик воқеалар кўп. Менглибойнинг Тўйибини билан илк учрашуви “Ўтган кунлар” романидаги Отабек билан Кумушбинининг учрашуви манзарасини эслатади. Ниҳоят, уларнинг тўйлари бўлиб ўтади. Тўйибини раиснинг қизи бўлса-да, бир кун ишдан қолмай, далага қатнайди. У отаси раис эканини тенгдошларига айтиб, писанда қилмайдди. Ҳаттоки оғирроқ бўлган пайтлари ҳам даладаги ишини ҳаммагидек давом эттирарэди. Абдулла Орипов “Эгатларда бошланган, оналар тўлғок дарди” деб ёзганидек, тўлғок ҳолатини ҳам далада қаршилайди.

Кунларнинг бирида Тўйибини каттиқ иситмалаб қолади. Шунинг учун далага, чопиқа боролмайди. Бундан жаҳланган бригадир уларнинг уйига келиб, роса зуғум қилади. “Бир кун ишга чиқмаганинг

учун ўн кунлик иш ҳақингни табелчиға буюриб кестириб ташлайман” дейди. Камтар ва одобли аёл Тўйибини булар ҳақида отасига тиш ёрмайди, бригадир ҳақида бирор ёмон гап гапирмайди. Тўйибини — қаҳрамон она. У ўн болани дунёга келтириб, меҳр билан парваришлайди. У бошига бешик кўтариб, бешик устига кетмонни кўндаланг қўганича ҳамма қатори далага қатнайди. Кеч қоронғуда ҳамма қатори ишдан қайтади.

Тўйибини — ғоят оқила, ишбилармон аёл. У оддий аёл бўлса-да, жойи келганда ҳикматона ўғитлар билан турмуш ўртоғи Менглибойнинг кўнглини кўтарди. Эри бирор ишда хатоликка йўл қўйса, унга меҳр билан тушунтиради, “Агар малол келмаса, дадаси” дея унинг қирғиға хурмат билан қарайди.

Китобнинг иккинчи қисми юқориде айтганимиздек, ёзувчининг қалбидан тўкилган шеърйй дил изҳорларидир. Уларнинг бари турмуш ўртоғи Тўйибиниға аталган. Тўйибини оғир хасталиқдан вафот этгач, Менглибойнинг қайғу-изтироблари ўнлаб шеър шаклида ҳам қоғозга тушади. Бу шеърларни бефарқ ўқиб бўлмайди. Улар чин юракдан бунёд бўлган ашўрлардир.

Китобдаги хотиралар эса фарзандлари, келинлари, неваралари томонидан қаламга олинган.

Мухтасар айтганда, Менглибой Муродовнинг ушбу китоб каттаю кичикка ибрат бўлари ўқилиш яхши асар деса арзийди.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Республика Маънавий ва матрифат маркази Денов туман бўлими раҳбари.

► Дунёда нима гап?

Эроннинг Покистонга маслаҳати

“РИА Новости”нинг хабар беришича, Эрон ҳукумати Ҳиндистон ва Покистонни Жамму ва Кашмир штатидаги кескин вазият бўйича муносабатларда сабрли бўлишга чақирди.

Эрон Президенти Ҳасан Рухоний бу ҳақда Покистон бош вазири билан телефон орқали мулоқотда фикр билдирган. Покистон бош вазири Имрон Хон эса ҳозирги пайтда Кашмирдаги вазият халқаро меъёрларга мос келмаслигини таъкидлаган. Рухоний “Кашмир масаласи ҳеч қачон ҳарбий ечимга эга бўлмайди, биз масалага дипломатик йўллар билан ечим топишимиз керак”, дея қайд этган.

Олтин захираси қайси давлатда юқори?

Олтин захираси бўйича Саудия Арабистони юқори рейтингда туриши кўпчиликка маълум. Аммо, “Bloomberg” хабарига қараганда, Россия кейинги саккиз йил давомида илк марта бу кўрсаткич бўйича арабларни ортда қолдириши мумкин.

Сўнгги тўрт йилда Россиянинг олтин валютаси захиралари 45 фоизга ўсиб, 518 миллиард долларга етган. Саудия Арабистони эса, аксинча, бундай кўрсаткичларда пасайиш кузатилган. Ар-Риёд нефть баҳосининг тушиши туфайли захираларни ишлатишга мажбур бўлмоқда. Таҳлилчилар яқин вақт ичида Россия халқаро захиралар рейтингига тўртинчи ўринга чиқиб олишини айтмоқда.

Испанияда ўрмон ёнгинлари

Табиат ҳар давлатга ҳар турли ҳолисаларни раво кўради. Айни пайтда Испаниянинг Канар оролларида мингдан ортиқ аҳоли ўрмон ёнгинлари туфайли эвакуация қилинди. Канар архипелагидаги йирик ороллarning бирида содир бўлган бундай ёнгин 10 августда бошланган. “Europa Press” хабарига кўра, ёнгин минг гектардан ортиқ майдондаги ўрмонни қамраб олган. Ўт ўчирувчилар фалокатни 75 фоизга бартараф қилган, лекин шомол йўналиши ўзгариши туфайли вазият яна мушкуллашган. Ёнгиннинг қайтадан кучайиш эҳтимоли борлиги учун маҳаллий аҳоли уйлариға қайтолмай турибди.

Гривна ўрнига долларми?

Украина миллий валютаси кескин қадрсизланмоқда. Шу боис мамлакат президенти сайтиға миллий валюта — гривна ўрнига доллардан фойдаланиш таклифи билдирилган мурожаат келиб тушган. “Украина миллий валютаси бекарорлиги сабабли пул ислохоти ўтказиш ва мамлакат миллий валютасини барқарор пул бирлиги — АҚШ долларига алмаштиришни сўраймиз”, дейилади Владимир Зеленскийға йўлланган мурожаатда. Мазкур таклиф 7 август куни рўйхатдан ўтказилган ва 4 кун ичида 775 та имзо тўплаган. Ушбу мурожаат президент томонидан қўриб чиқилиши учун 90 кун ичида камида 25 мингта имзо тўплаши лозим.

103 олимға ҳарбий унвон

Ўтган ой Жанубий Корея бир неча бор яқин масофаға мўлжалланган баллистик ракеталарни синаб кўрган эди. Энди бунда хизмати сингганлар сийланди. “ТАСС”даги маълумотга кўра, КХДР етакчиси Ким Чен Ин «ҳарбий илм-фанға ва мамлакат мудофасининг мустаҳкамланишиға ҳисса қўшган» 103 нафар олимға янги унвонларни топишган. КХДР етакчиси олимларға миннатдорчилик билдириб, миллий мудофаа соҳасида «мураккаб технологик муаммоларни ечиш»ға ёрдам кўрсатганларини таъкидлаб ўтган. Жанубий Корея кузатувчиларининг қайд этишича, мамлакатда фуқароларға ҳарбий унвонларнинг топирилиши олий муқофот ҳисобланади. Бу уларнинг хизмати мамлакат раҳбарияти томонидан тан олинганини билдиради.

“Green Card”ға чеклов!

АҚШнинг “Green Card”и кўпчилиқнинг диққатини тортгани бор гап. Яқинда Оқ ўй давлат ижтимоий имтиёзларидан фойдаланадиган муҳожирларға мамлакатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ушбу имкониятни чеклашға мўлжалланган фармойиш эълон қилган. Эндиликда ҳукумат АҚШда яшаш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал инсоннинг «жамият учун оғир юк»ға айланиши эҳтимолини аниқлашға ҳаракат қилади. «Қарор Американинг эски мустақиллик тамойилларига асосланган. Бу “америкача орзу”нинг асосий принципи», дейди АҚШ Фуқаролик ва иммиграция хизмати директори Кен Кучинелли. АҚШ президентининг иммиграцияға қарши қураиш бўйича ёрдамчиси Стивен Миллер томонидан таклиф этилган ушбу янгилик шу йил октябрдан қучға қиради. Ундан сўнгги уч йил ичида 12 ойдан ортиқ ижтимоий ёрдамлардан фойдаланган муҳожирлар ўрин олади. Янги қоидаға кўра, фуқаролик визасини олиш учун ёзилган аризалар муҳожирининг даромади пастлиги ёки давлат томонидан ёрдам (ижтимоий таъминот, озик-овқат талонлари ёки бепул тиббий суғурта) олгани сабаб бекор қилиниши мумкин.

Интернет материаллари асосида
Х. АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

► Дилдаги гаплар

Ҳар қандай жамиятда бирор фаолиятға умумий мойиллик муҳити кучлироқ шаклланган бўлади. Масалан, қайсидир жойда футбол муҳити ҳукмрон бўлса, эрқагу аёл, ёш қарининг ўйлар ўйи, айтар сўзи шу соҳа билан боғлиқ бўлади. Футбол билан жиддий шуғулланилмайдиган юрт аҳолисидан ростмана ажабланишади. Неча асрлардан буён аждоду авлодлари фақат денгизчилик билан шуғулланиб келаётган юртининг одамлари эҳтимолки, денгизсиз яшаб келаётган халқларнинг ҳаётини буткул тушунарсиз, зерикарли деб қабул қилишади.

Тарбия — ҳаёт-мамот масаласи

Асосий тирикчилиги туризм билан боғлиқ бўлган ўлканинг одамлари бутун ҳаётларини туристларға хизмат кўрсатишға, тил ўрганишға бағишлаб юборадики, улар сайёҳлар бормайдиган жойларда яшайдиган аҳолининг ҳаётини тасаввур қила олмайдилар. Аслида, ҳамма жойда кўш-у замин битта. Фақат фаолият ва маънавий тарбия масаласи турличадир. Халқимиз учун эса тарбия ҳамиша ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган.

Бундан олти-етти йил аввал Тошкент шаҳри Юнусобод туманида истикомат қилувчи бир оила Европаға бориб яшашға қарор қилди. Ислаб-суриштириб, дунёда энг бахтлилар рейтингига юқори ўринларда турадиган бир давлатни танлашди. Интернетдан ва бошқа манбалардан қидиришиб, кўп йиллардан бери ўша юртда яшайдиган ўзбекистонлик ўзбек оиласи билан танишиб олишди. Уларнинг хонадониде вақтинча яшаш учун бу ердаги оиланинг каттаси — нафақадаги онахон жўнаб кетди. Режа бўйича, онахон муҳитни ўргангач, бу ёқда қолганлар: қизи, кўёви ва неваралари борадиган бўлишди. Қўтилмаганда онахон бир ой ичида қайтиб келди. Қанчалик сарф-харажатлар қилинган бўлишиға қарамай, Европаға сафар режаси бекор қилинди.

Онахон билан учрашганимизда,

қуйидагиларни гапириб берди: “Э-э, ўзимизнинг Ўзбекистонимиздан қўямасин экан! У ёқларда яшаб бўлмайди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам чор-атрофда беҳаёлик, бузуқчилик. “Одамлар кўради”, “унат бўлади”, дейиш йўқ. Кўз очиб юриб бўлмайди. Ундан кўра, уйда димчиқ ўтирган яхши. Шунда ҳам телевизорни қўймаслик керак, чунки, кечаю кундуз беҳаёликни тарғиб қиладиган каналлар тўлиб ётибди. Аммо бу маънавийсизликка қарши қураишми ҳеч кимнинг парвосига келаётгани йўқ.



Хайрият, ўзбекистонлик яхши бир оиланинг уйда турдим. Улар менин яшашим ва еб-ичишимға пул олишмади, аммо “Фарзандларимизни ўзбекчасига тарбиялаб берсангиз бўлди”, дейишди. Юқори синфларда ўқийдиган бу болаларнинг тарбияси учун қилган ҳамма ҳаракатларим бир пул бўлди. Улар бир ой ичида, ҳаттоки, уйға салом бериб киришға ҳам одатланиша олмади. Ахир, ўзимизда бир қарич бола ҳам салом бериши бемалол эплайди-ку? То бу ёққа — ўз уйимға келгунимча “Эй, Меҳрибон Аллоҳим, тезроқ бу ерлардан Ватанимға етказ, бу ерларда ўлигим қолиб кетишдан ўзини сақла!” деган дуо тилимдан тушмади. Худойимға шукр, раҳм қилди ва уйимға — Ўзбекистонимға соғ-омон етказди.”

Онахоннинг гапларидан сўнг ўйлаб қолдим. Шундай бефарқлик, тарбиясизлик бизда йўқми? Шукрки, ножиоиз кўрсатувлар, саҳналар телеканалларимиз орқали эфирға узатилмайди. Баъзан у ёки бу хонанда (ёхуд қўшиқчи) ахлоқ чегараларини хатлаб ўтгани сезилиб қолса, унга жиддий огоҳлантирув берилади. Лозим топилса, лицензиясидан маҳрум қилинади. Бироқ, шунга қарамасдан, афсуски, тарбиясизлик муҳити биздан жуда ҳам узокда, деб хотиржамликка берилиб бўлмайди. Чунки, интернет орқали ўша ножиоиз иллатлар компьютерларимизға, қўлимиздаги телефонимизға, яшаб турган хонадонимизға силлиққина бостириб кириб, забт этишға уринмоқда. Вазият шун

дайки, биз ўзимизни ҳам, фарзанду зурриёдларимизни ҳам, уларнинг “ташриф”идан сақлашимиз, сақланишимиз мушкул бўлаётир.

Бошқача айтганда, тонгги шудринг қўниб турган гулгунча қаби барқ уриб ўсаётган, кўзларимизнинг нури фарзанду дилбандларимизни БИЗ КАТТАЛАР оқ-қорани ажрата билладиган қилиб тарбиялашимиз даркор. Инсонни эса муҳит тарбиялайди. Эндигина ақлини таниётган ўғил-қизларимиз кўриб, идрок этиб турибдики (уларни алдаб бўлмайди!), айрим катталар ҳаром сув (спиртли ичимликларни) яхши кўриб ичишяпти, азият умрини тамаки, носга бағишляпти. “Эси йўқ” катталар сўкиш-сўкинишдан тилларини тийиб олишға кучлари етмаяпти. Аёллар очик-сочик либослар, йиртиқ шимлар кийишяпти, узун тирноқлари, ясама киприклари билан атрофдагилар диққатини тортаяпти. Кўча-кўй ёки истирохат боғларидаги ўриндикларда йигит-қизлар сурбеларча ахлоқ меъёрларини бузаяпти.

Ҳўш, ҳаётимиздаги мазкур салбий ҳолатлардан қутулиш йўли борми? Ҳа, бунинг ягона йўли — ОММА-ВИЙ-МАЪНАВИЙ САФАРБАРИЛИК.

Ҳамма — эрқагу аёл, каттаю кичик қалб ризоси билан ўзини ана шу маънавий тарбияға сафарбар этиши лозим. Маънавий тарбияни БУГУН (!) чиройли йўлга қўя олмасак, эрта эса кеч бўлади. Аввало, бобо-у баулар ўғити, ота-оналарнинг ҳушёрлиги, тоға-холадан тортиб барча қариндошу қўни-қўшини ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим. Зотан, қадимдан қолган гап бор — бир болага етти маҳалла ота-она. Аммо мана шу тамойилға дарз кетаётганға ўхшайдик, болага ёш оила ўзи “эга”лик қилмоқчи, қайнона-қайнонадан алоҳида яшашни истамоқда. Аммо болага зийрак нигоҳ билан боқиб, тугал маънавий сабоқ бериш мушкул иш. Шу боис, кексаларнинг, қариндош-уруғнинг кўмағида катта гап бор. Фарзанд тарбиясини биз катталар БУГУН эплай олмасак, ҳозир атроф-оламға жавдирарган кўзалар билан ҳайратланиб нигоҳ ташлаб турган болажонларимиз ахлоқ-одобли бўлиш у ёқда турсин, салом беришға ҳам рағбати йўқолиши мумкин. Наҳотки, шунни истасак?..

Бахтиёр МУҲАММАДАМИН.

► Муаммо ва ечим

Ҳа, азизлар, қадимий Хоразм далаларида гурваклар пишди. Ай-тишларича, гурвак Аллоҳнинг илк меваси тутдан кейин инсонларга ато этган энг ширин неъмат ҳисобланади. Тўғри, олма, узум, шифтоли ва ўриклар ҳам тансиқ мева. Лекин улар гурвакнинг ўрнини боса олмайди. Маъноий маънода айтганда, ҳатто, гурвакка эргашиб пишиб етиладиган оқ новвот, бешак, ширин печак сингари қовунлар ҳам гурвак олдида қўл қовуштириб таъзимда турдилар.

Хоразм қовунларининг довруғи тикланадими?

Авалло, баҳорнинг ардоқли меваси тут ҳақида. Икки тоифа шифокорлар бор. Биринчи тоифа шифокорлар тут мевасида инсон танасига куч мадор бағишловчи 20-25 та фойдали модда бор деса, яна бирлари уларга қарши ўлароқ 35-40 та модда мавжуд дейишади. Халқ табobati билан шугулланувчилар ҳам бежиз тутнинг шираси инсон илигида бир йил, яъни бу пишқдан келгуси пишққача сақланади, демайдилар. Биласиз, тут дарахти бир ойгина давомда мева беради. Сочи узун, ақли сочиндан ҳам узун молаларимиз тут мевасининг бир ойлик умрини камида икки уч, ҳатто, беш йилга чўзиш учун ундан шинни, яъни турли қиёмлар тайёрлашни ўйлаб топишган. Ҳақиқатан ҳам, қиш оёқлаб, баҳор эндигина қишнинг эшигини охирада черта бошлаган, яъниким, йўғонлар чўзилиб нозиклар янада нозиклашиб бораётган илиқда кунларда эндигина тандирдан чиққан иссиққина нонни тут шиннисига бўктириб танавул қилсангиз, қалбнгиз қувончга тўлиши баробарида вужудингизда қандайдир бежиров куч-қудрат пайдо бўлганини ҳис этасиз. Гурвак ҳам худди ана шу тут сингари ниҳоятда тансиқ ва ўта шифобахш. Ота-боболаримиз гурвакни тонгнинг кўзи ёриётган пайтда оқ қоринга истеъмол этишган. Уларнинг қовун есанг сахар е, сахар емасанг захар е, деган табаррук сўзлари шунчаки қалом эмас-да!

Биз хотираси олдида ҳаммаша бош эгадиган бобоқалонларимиз қовунларнинг эрта, ўрта ва кечпишар навларини яратишган. Бундан атиги 50-60 йиллар муқаддам ҳам Хоразм воҳасида қовунларнинг 100 дан зиёд тилими тилини ёрар ширин-шакар навлари бўлган. Бугунги кунда ер юзида яшаётган етти миллиарддан ортиқ аҳолининг ҳулқи, феъл атвори тугул бармоқ излари ҳам бир-бирига ўхшамасгандек, ўша юздан зиёд навли Хоразм қовунларининг ҳар бирининг ўзига хос ифори, таъми бўлган. Яна бир ниҳоятда ҳайратланарли ҳолат. Масалан, гурвакнинг истеъмол муддати атиги 15 кун. Палакдан узилган ва сал-



қин жойда сақланган гурвакни шу муддат ичида есангиз роҳатланиб мазза қиласиз. Орадан ҳафта тугул уч кун ўтса ҳам унинг шираси айний бошлади. Ваҳоланки, гулоби, олаҳомма, сирич, андархон ва бошқа кўплаб қишқил нав қовунларни 4-5 ҳатто 8 ойгача сақлаш мумкин. Энг ажабланирлиси уларнинг мағзи қалинлигидан кунлар ва ойлар ўтгани сайин қовунларнинг ширасига шира қўшилиб бораверади. Узок йиллар изланиб ранжу машаққатлар чека-чека қовунчилик илмининг чинакам донишмандига айланган кўплаб миришкор деҳқонларнинг ҳар йили баҳорда далабошида қовунни сўйиб уруғини табиий намига экканига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Кечпишар қовунларнинг эрта ва ўрта пишар қовунлардан афзаллиги шундаки, олам кезиб юрган савдогарлар Хоразм қовунларини Шарқу Фарбдаги ўнлаб мамлакатларга олиб боришган. Маҳаллий хунармандлар қовунларни узок ўлкаларга ташиб боришга мўлжалланган махсус идиллар тайёрлаганликлари қадимий қўлёмаларда қайд этилган. Ушбу борди-келдилар

халқлар ўртасида савдо сотиқни ривожлантириш, балки иқтисодий алоқаларни барқарорлаштириш ва элларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга ҳам бебаҳо ҳисса қўшган.

Энди эътиборингизни қовун ҳақидаги гўзал ривоятга қаратайлик. Эмишки, деҳқон даласини экишга тайёрлаб уруғ қадабди. Орадан ҳафта ўтсада уруғ униб чиқмабди. Бу ҳолатдан саросимага тушган деҳқон осмонга қараб, бу не ҳол, бу не сир-синоат, не гуноҳим бор, дея Аллоҳга нола қилибди. Ҳамма нарсани кўриб-билиб тургучи, ҳар недан огоҳ Зот уруғдан нега унмайсан, дея сўрабди.

— Усаман, унаман, кўкараман, кўкармай қаёққа ҳам бораман, — дебди уруғ. — Лекин, бир шартим бор.

— Айт, — дебди ўн саккиз минг оламнинг ягона Эгаси ва Хожаси бўлган Аллоҳ.

— Аввало, менинг уруғимни ерга қадаб менга қайта ҳаёт бағишлашни ният қилган деҳқон, қолаверса, мени сўйиб нафсини тийиб ўзи ейиш ўрнига ўзгаларга илганган барча кишиларни ва ниҳоят, қовундек ширин неъматни яратган Сендек улуг Зотга

ҳамду сано айтиш учун дуога қўл очган барча инсонларни жаннатга дахл қилдим, дея ваъда бер, дебди уруғ.

— Ваъдам ваъда, — дебди ҳар нега қодир Аллоҳ.

Бу ҳикоятдан ҳам айтилмоқчи бўлган фикр шуки, қовун ана шундай ҳикматли аҳойиб неъмат экан.

Ҳа, ҳар бир элнинг ўзига хос урф-одати, турмуш тарзи бўлгани сингари унинг фақат ўзига хос неъматлари ҳам бўлади. Чунонки, Кува анори, Ҳазорасул олмаси, Зомин зираси, Бўзқалъа қовунларининг таъриф-тавсифи тоғутошлар, дашту биёбонлар, дарёю уммонлар оша оламга ёйилган. Хоразм вилоят, Янгйбозор туман, Бўзқалъа қишлоғида яшовчи Матвафо Юсупов нафақат собиқ иттифоқ балки, бутун дунёга таниқли инсон эди. У узок йиллар жамоа ҳўжалигида раис бўлиб ишлаган. Умрининг охирида эса полизчилик бригадасига бошчилик қилди. Матвафо Юсупов бошлиқ деҳқонлар етиштирган қовунлар ўтган асрнинг 60-70-йилларида барча халқро кўргазмаларда қолиб, деб топилиб юксак совринларга сазовор бўлди. Қола-

верса, Бўзқалъа далаларида етиштирилган тилими тилини ёрар қовунлар ўша даврда собиқ иттифоқ пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган барча йирик анжуманлар қатнашчилари дастурхонининг энг тансиқ неъматини ҳисобланган. Матвафо Юсупов таваллуд топган Бўзқалъа қишлоғига ташриф буюрдик. Собиқ иттифоқ даврида қишлоқ ҳудудида “Ленинизм” жамоа ҳўжалиги ташкил топган эди. Бўзқалъаликлар азал-азалдан ўзаро дўст ва иноқ меҳнаткаш кишилардир. Қуйидаги мисол қиримизни яққол тасдиқлайди. Қўшни, яъни “Ленинград” ва бошқа жамоа ҳўжаликларида раислар худди қўлқопдек алмашиб турганида шўролар даврида бу ерда фақат икки киши, яъни Матвафо Юсупов ва Ҳўжамурод Сафарниёзовлар ҳўжалик дарғалик қилишди. 1994 йилда эса жамоа ҳўжалигига Ҳўжамурод Сафарниёзовнинг шогирди, ёш ва ишчан ташкилотчи йигит Отаназар Абдиримов раис этиб сайланди. Янги раҳбар бири-биридан самарали ишларга қўл урди. Ҳўжалик жадал юксалиб даромадлар ошди. Лекин тақдир экан, у 62 ёшида вафот этди. Бўзқалъаликларга бугун у кишининг ўғли Санъат Абдиримов раҳбар. Қишлоқ тинч, далалар файзли, дастурхонлар тўкин. Қаранг, эътибор беринг, Бўзқалъаликларга қарийб 90 йил мобайнида атиги тўрт киши раҳбарлик қилган. Бу нечоғлик мактаса ярашадиган, ибрат қилиб тилга олса арзийдиган далил. Шунинг ўзиёқ қишлоқ кишиларининг нақадар дўст ва иноқ, аҳил эканликларини амалда кўрсатиб турибди.

...Кўёш зар қокилларини бирин-кетин ёйиб қўк пештоқига оҳиста ўрлаётган пайтда Янгйбозор туман ҳокими Уктам Машариповни Бўзқалъа далаларида учратдик.

Ҳоким билан ҳам қовунчилик ва унинг истиқболлари тўғрисида суҳбатлашдик.

— Дунёда беҳисоб ўсимликлар ва экинлар бор, — дея гурунги узокдан бошлади Уктамбой Машарипов. — Аслида қовун ёввойи экин. Миришкор боболаримиз йиллар давомида уни маданийлаштириб бугунги ҳолига келтиришган. Лекин, қовун таъбир жоиз бўлса, ўз қадрини биладиган, иззат-талаб экин. Масалан, янтоқ ва оқбўш, қизилмия ва бошқа ўтлар ер танламайди, улар уруғининг елкаси ерга тегса бўлди, уни ўсиб ривожланаверади. Қовунга эса соғлом ва унмдор тупроқ, чинакам парварош керак. Ҳали яқиндагина бундан атиги йигирма беш-ўттиз йил муқаддам воҳамиздан Россия ва қўшни давлатларга вагонлаб қовунлар жўнатиладди. Шунинг учун ҳам қовун худди пахта каби Ўзбекистоннинг ардоқли бойлиги эди. Ҳозир ўша бойлиқдан самарали фойдаланиш йўллари янгилашди, йўл қўйган хато ва камчиликларни бирин-кетин тугатишга киришдик. Айни кунларда туманимизда 500 гектардан зиёд майдонда мўл-қўл қовун ҳосили етиштирилмоқда. Тармоқ мутахассислари қовунларнинг йўқолиб бораётган ноёб навларини излаб топиш ва кўпайтириш борасида энг шимариб ишламоқда.

Алишер РАҲМОНОВ,
Ҳусайн РАҲМОН.

Олам саҳнига айланган шаҳар



1

Ҳа, бу йил Самарқанднинг юраги бўлиш Регистон ансамбли ўн иккинчи бор олам саҳнига айланади. Ўн иккинчи бор барча қитъа санъаткорларию санъатшунослари ана шу саҳнада жам бўлади. Фестиваль қатнашчиларининг сони йил сайин ортиб бораётгани, санъат байрами тантаналари сунъий йўлдош орқали тўғридан-тўғри хорижий юртларга узатилаётгани, матбуотда кенг ёритилаётгани ушбу анжуманнинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат берадими? “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг ЮНЕСКО халқро маданий тадбирлари доирасига киритилгани ҳам унинг нуфузидан далолат беради.

Фестивални юқори савияда ташкил этиш мақсадида кенг қўламли тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. 18 та ишчи гуруҳи шакллантирилиб, ҳар бир гуруҳга бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилан берилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтидида “Шарқ тароналари” халқро мусиқа фестивали штаби ташкил этилди. Фестивалнинг асосий тадбирлари ўтказиладиган 14 та саҳна ва майдонларда тайёргарлик ишлари авжида.

Айни пайтда фестивал тадбирларига вилоятнинг хонанда ва созандалар-жамоаларини жалб этиш мақсадида маданият ва санъат муассасаларида фаолият юритаётган, олий ўқув юрти ва иттифодлаштирилган санъат мактабидида таҳсил олаётган 40 нафар қобилиятли хонанда ва созандаларни саралаш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, юртимиз мусиқа маданияти, “Шарқ тароналари” фестивали тарихига оид янги экспозициялар яратиш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Регистон майдонида миллий чолғу асбоблари ва санъат аҳлига оид тарихий либослар кўргазмалари ўтказилиши режалаш-

ХОРИЖЛИКЛАР НАЗАРИДА

Келинг, қадим ва ҳаммаша навқирон Самарқанд ҳақида хорижий меҳмонларнинг кўнгил сўзларига қўлоқ тутайлик: **Харума Кошима хоним,** “Шарқ тароналари” биринчи халқро мусиқа фестивали хайъати раиси, Токио университетини профессори:

— Самарқанднинг гўзаллиги, айниқса, қадимий обидалар ва улар теграсида мустақиллик даврида амалга оширилган уйғун тарздаги ободончиликлар мени ўзига мафтун этди. Шаҳарнинг нафосати, одамларининг самимиети фестивал руҳида акс этиб турганлигини айтмайсизми. Самарқанддан бошқа бирор шаҳарда санъат байрамининг бу қадар мукамал ва бетакрор ўтишига ишониш қийин.

Бассет Селинс хоним (Франция): — Самарқанд нафақат қўнча ёдгорликлари, балки замонавий иншоотлари билан ҳам чирой очибди. Ўзимни қўнча Шарқнинг сеҳрли оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим.

Хан Мион Ми (Жанубий Корея): — Дунёда юлдузсифат шаҳарлар бармоқ билан санарли. Самарқанд уларнинг энг ёрқини ва нурафшонидир. Чунки, у маърифат, маданият ва эзгулик бешиги сифатида машҳур.

Пўлат Булбул ўғли (Озарбойжон): — Қўзларимга ишонмайман, Самарқандми бу, ё эртақлар шаҳри. Очиғи, яқин орада бундай хайратга тушмаганман. Самарқанд назаримда ёшариб кетибди, меъморий обидалари аслига қайтандек. Ўз ўлмиши, бугунги, эртаси учун қайғураётган мамлакат, албатта, обод бўлади.

Самарқанд ҳақида бундай таърифларни эшитиш ғоятда мароқли. Айни пайтда самарқандликлар учун катта масъулият ҳам. Демократизм, бу файли шаҳарни обод сақлаш, шўхратига шўхрат қўиши ҳар биримизнинг бурчимиз.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,
“Hurriyat” мухбири.

► Тафаккур

Баъзи ёзилмаган қонунлар...

Инсон токи ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу воҳлардан озод қилолмас экан, у заиф ва пастлик табиатидан холос бўлолмайди.

Абу Али ибн СИНО,
буёқ ўзбек донишманди ва ҳакими.

Чўнтаги бой, руҳи қашшоқ бўлган инсонларнинг аҳволлари жуда аянчли. Чунки улар, ҳар нарсанинг нархини билишади, аммо қадрини билишмайди.

Жалолдин РУМИЙ,
машҳур форс-тожик шоири.

Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ,
шарқ мутафаккири.

Буёқ ишлар, албатта, майда ишлардан бошланади.

Лао ЦЗИ,
хитойлик файласуфи.

Танграм, мени дўстлардан паноҳингда сақла, душманларни ўзим элайман.

ВОЛЬТЕР,
француз адиби.

Кўнглини ёрувчи дўсти бўлмаган одам ўз юрагининг кушандасидир.

Френсис БЭКОН,
инглиз файласуфи.

Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.

СЕНЕКА,
қадимги римлик файласуф ва сиёсий арбоб.

Яхшилик ҳам худди ёмонлик каби нафрат уйғотиши мумкин.

Бернардо МАКНАВЕЛЛИ,
италиялик файласуфи.

► Мавзуга доир

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Хоразмда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Қовун сайли” тадбирига вилоят деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан катта тайёргарлик кўрилади.

Хивада “Қовун сайли — 2019” фестивали бошланди

Ҳар бир туман ва шаҳар учун ажратилган, байрамона безатилган павильонларда қовунлар ўзига хос манзарали кўринишда намойиш этилган.

Азалдан олтин воҳа саналган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари томонидан етиштирилаётган, дунёга донг кетган, мазаси тилини ёрадиган ҳар хил навадиги қовунлар ва полиз экинлари мазаси билан Шарқнинг гавҳари саналган Хива шаҳрига ташриф буюрган меҳмонларни ва маҳаллий аҳолини бирдай баҳраманд қилаётди.

HURRIYAT
HURRIYAT



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
иходий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳрси келишидан нарҳда

Тахририятга келган
хатлар доимий
эътиборимизда бўлади.
Мактубларингизни
кутаимиз.

Адади: 4010
Буюртма — V-3692
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Обуна индекс:
якка обуначилар ва
ташқиотлар учун —
233

Матбуотнинг 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurrayat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилиди
ва дизайн А.Содиқов томонидан соҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Жураева, Мусахҳиш: Ш.Убайдуллаева.

“O'zbekiston” НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.